Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

9 октябрь, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 205 (1457)

МАВСУМ СУСТКАШЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ

Сирдарё вилоят ҳокимлигида пахта йиғим-теримини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Кенгашда вилоят барча туманлари ҳокимлари ва мутасадди раҳбарларининг йиғим-теримнинг бориши ҳақидаги ахборотлари тингланди. Бу борада жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани кескин танқид қилинди. Кейинги йилларда вилоятда пахта тайёрлаш топшириқлари бажарилмаяпти. Бу йил ҳам Сирдарё пахта тайёрлаш бўйича вилоятлар орасида энг охирги ўринларда бормоқда. Ўтган йили шу кунгача жами пахтанинг 60 фоизи териб олиниб, хирмонга салкам 200 минг тонна ҳосил уйилган эди. Бугунги кунда эса унинг ярмига ҳам эришилгани йўқ. Бундай сусткашликнинг асосий сабабларидан бири терим машиналаридан етарли фойдаланилмаётганидир. Аксарият туманларда мавжуд машиналарнинг ярми ҳам далага чиқарилмаяпти. Кўпгина жойларда ғўза баргини тўктириш ниҳоясига етказилмаган. Теримда ташкилотчилик ва сафарбарлик талаб даражасида эмас.

Вилоят прокуратурасининг маълумотига қараганда, Оқолтин ва Шароф Рашидов туманларида пахта терими бўйича ёлғон маълумотлар бериш ҳоллари аниқланган. Жумладан, Шароф Рашидов туманидаги хўжаликларда мавжуд техниканинг 20-30 фоизи ишлатиляпти, холос. Ваҳоланки, давлат статистика идораларига мавжуд техниканинг деярли ҳаммаси ишга шай деган маълумот берилган.

Кенгашда йиғим-терим суръатини ошириш, йўл қўйилган хато ва камчиликларга тездан барҳам бериш, ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

Кенгашда вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов қатнашди.

(ЎзА).

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси, «Бакри групп» компанияси раиси Абуризол Бакри бошчилигидаги делегация аъзолари 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари К. Раҳимов билан учрашди.

Учрашувда қурилиш, меҳмонхона ва телекоммуникация воситаларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Шу куни делегация аъзолари Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен билан ҳам учрашдилар.

Суҳбат чоғида мамлакатимиздаги меҳмонхоналар хизмати, алоқа тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, телефон кабеллари ишлаб чиқариш ва чиқиндилардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланиладиган материаллар тайёрлаш борасида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ САРИ

8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистон Республикаси шароитига мос келадиган децентрализация» мавзуида халқаро семинар бошланди.

Ушбу анжуман Европа Иттифоқи Тасис дастурининг «Сирдарё вилояти бошқарув органларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси ҳамда Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Европа Иттифоқининг Тасис дастури мутахассислари, Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, академия олимлари ҳамда тингловчилари, шунингдек, Сирдарё вилояти ҳокимлигининг масъул ходимлари иштирок этаётир.

Анжуманни Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Алишер Азизхўжаев очди.

Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришар децентрализация аҳамияти ва бу борада Франциянинг тарихий тажрибаси ҳақида сўзлади.

Маълумки, мамлакатимиз демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан дадил бормоқда. Бунда, шубҳасиз, децентрализация — собиқ иттифоқдан мерос бўлиб қолган марказий бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Европа Иттифоқининг Тасис дастури эса бу борада Ўзбекистон билан кенг ҳамкорлик қилиб келаётир.

Шу боис, Тасис дастурининг «Сирдарё вилояти бошқарув органларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида децентрализация бўйича турқум семинарлар ўтказиш кўзда тутилган. Мазкур тадбирлар қуйи бошқарув органлари — вилоят ва туман маъмуриятларининг ваколатлари ҳамда ташаббускорлигини босқичма-босқич ошира бориш бўйича мақбул модел яратишга қаратилган.

11 октябрга қадар давом этадиган ушбу анжуман Ўзбекистонда децентрализация бўйича ўтказиладиган семинарларнинг дастлабки тўртташини ўз ичига олган. Унинг қатнашчилари маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тамойиллари, жаҳон ва Европа давлатлари тажрибаси, Ўзбекистонда унинг қўлланилиши ҳамда истиқболлари хусусида маърузалар тинглайдилар.

(ЎзА)

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Назорат инспекциясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 3 апрелдаги «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан республика аҳолисини картошка билан таъминлаш бўйича бир қатор вазирликлар ва уюшмалар ҳамда уларнинг худудий бўлинмаларининг фаолиятини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Мажлисда аҳолини озиқ-овқат картошкаси ва хўжаликларни уруғлик картошка билан таъминлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидланди. Бу борада бир қатор республика вазирликлари ва идоралари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан мажлис тегишли қарор қабул қилди.

Хива туманидаги Рўзмат Мадаминов номли жамоа хўжалиги кўп тармоқли, йирик ва илғор хўжалик ҳисобланади. Бу ерда пахта, ғалла, чорва маҳсулотлари етиштирилиши билан бир қаторда хўжалик қошида бир қанча ёрдамчи хўжалик ва кичик корхоналар мунтазам фаолият кўрсатяпти. Консерва заводи, иккита ғишт заводи, иккита кулолчилик цехи, балиқчилик хўжалиги, ун, гуруч, мой тегирмонлари, «Бобур» номли маиший хизмат корхонаси шулар жумласидандир.

Сўнгги йилларда хўжаликнинг иқтисоди кундан-кунга яхшиланиб, аҳоли фаровонлиги ошиб бораяпти.

СУРАТЛАРДА: кулоллик цехида: консерва заводи ишчилари М. Мадраҳимова ва Ш. Маткаримовалар.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) тавирга олган.

ЯДРОВИЙ ЭНЕРГИЯ ҲИМОЯ ОСТИДА

Ўзбекистон Республикаси ядро физикаси институтида ядро реакторини ҳимоя этишнинг янги тизими жорий этилди.

Бу Ўзбекистон, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари ва Атом энергияси бўйича халқаро агентлик мутахассисларининг изчил ҳамкорлиги натижаси бўлди. Янгиликнинг яратилишида АҚШ Энергия департаменти, Сандия миллий лабораториялари ҳамда АҚШ ва Буюк Британиядаги бир қанча фирмалар ёрдам берди. Асосий лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишлари ядро физикаси институти ва унинг тажриба заводи ходимлари, шунингдек, америкалик ҳамкасблар томонидан бажарилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда сўзга чиққанлар янги тизим ядровий хавфсизликни таъминлашда ғоят катта аҳамиятга эга экани, бу соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирдилар. Институт директори Беҳзод Содиқов ядро реактори ва ёқилғиси физик ҳимоясининг янги тизими мамлакатимизда ядро энергияси фақат тинчликка хизмат қилишини исботловчи ёрқин далил эканини таъкидлади.

Маросимда республика Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Тўхтамурод Жўраев, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро қатнашди.

(ЎзА).

Олий Мажлис қўмиталарида

САБАБ ОЗУҚАМИ ЁКИ?..

Аввал хабар қилинганидек, кеча Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги ҳамда «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ижроси масалаларига доир навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар бир қатор ютуқ ва муваффақиятларга эришилганлигига қарамай, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунни ижро этишда жойларда талай жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини алоҳида таъкидлашди. Масалан, Сирдарё вилоятининг Гулистон, Сирдарё, Жиззах вилоятининг Жиззах ва Бахмал туманларида сув хўжалигининг айрим ходимлари, хўжалик ва ташкилот раҳбарлари Қонун талабларини яхши билишмайди. Бунинг натижасида улар ҳатто ўз ҳуқуқларидан ҳам тўлиқ фойдаланолмаяптилар.

Сувдан фойдаланишда эса исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Баъзи туманларда сув иншоотлари ўз вақтида тозаланмаганлиги, таъмирланмаганлиги натижасида сув керакли миқдорда етказиб берилмади. Масалан, Бахмал тумани бўйича белгиланган вегетация давридаги лимит суғориш даври учун режа бор-йўғи 41 фоизни, Ғаллаорол туманида эса 68 фоизни ташкил қилди. Натижада мазкур туманларда сув танқислиги даража сезиларли ошди.

Бундан ташқари, мазкур вилоятларда кўзги ва қишки мавсумда хўжалик зовурларини тозалаш ишлари ҳам тўлиқ амалга оширилмаган. Қонунни яхши билмаслик натижасида сув назорати бўлимлари томонидан жуда кўп тартиббузарлик ҳамда сув нобудгарчилигига йўл қўйилмоқда.

«Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро ва Навоий вилоятидаги ижроси хусусида ҳам айнан ана шундай гапларни айтиш мумкин. Маълумки, чорва маҳсулотларининг мўл-кўлчилигини таъминлаш, моллар зотини яхшилаш, тўёқ сонини кўпайтириш энг аввало озуқа базасига боғлиқдир. Афсуски, ушбу вилоятларда чорва моллари ининг озуқага бўлган талабини қондириш ўта паст даражада. Масалан, 1995 йилда Бухоро ва Навоий вилоятиларида чорва молларининг озуқага бўлган талаби нормадаги 36,7 центнер озуқа бирлиги ўрнига 34.0 центнерни ташкил қилди.

Бухоро вилоятида Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ наслчиликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастури ишлаб чиқилмаган. Вилоят хўжаликлари бўйича банитировка натижалари давлат наслдор ҳайвонлар китобига киритилмаган.

Навоий вилоятида эса бир қатор хўжаликларда наслли моллар банитировкаси сифатсиз ўтказилган. Наслчиликка доир ҳужжатлар тўла юритилмаган, подада сигирлар маҳсулдорлигига қараб гуруҳларга ажратилмаган. Вилоятда йилқичилик ва туячилик соҳаларига эътибор қилинмаганлиги сабабли мавжуд йилқичилик-туячилик хўжаликлари тарқатиб юборилган. Хўжаликларда молларнинг ҳаром ўлиши, гўшт учун етилмаган молларни сўйиш даражаси ҳамон юқорилигича қолмоқда. Баъзи бир мутасадди раҳбарлар бундай оғир вазиятнинг вужудга келганлигининг асосий сабаби молларни кўк, дағал хашак, ширали ва концентрат озуқалар билан рацион асосида таъминламаганлигидир, дейишмоқда. Афсуски, бу ягона сабаб бўлолмайди. Асосий сабаб озуқа эмас, балки эътиборсизлик, қонунларимизни чуқур билмаслик ҳамда маъсулиятсизликдир...

Шунингдек, йиғилишда мазкур камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов иштирок этди.

Исмат ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади

ДЎСТЛИГИМИЗГА ҲЕЧ КИМ РАҲНА СОЛОЛМАЙДИ

8 октябрь куни Тожикистон Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Тожиддин Мардонов Россиядаги айрим оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларига раҳна солувчи чиқишларига Тожикистон ҳукуматининг муносабатини баён қилди. Хусусан, элчи яқинда Меҳман Гаферлининг «Независимая Газета»да эълон қилинган мақоласига тўхталди ва уни «Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва қардош халқларимизнинг азалий биродарлигига раҳна солиш мақсадида тўқиб чиқарилган бўҳтон» — деб атади.

Элчи ушбу мақсадда келтирилган фактлар бошдан-оҳири тухматдан иборат эканини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда икки дўст мамлакат — Ўзбекистон билан Тожикистон бирининг суверенитети ва яхлитлигини ҳурмат қилиб, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ҳамда халқаро ҳуқуқ тамойилларига тўла-тўкис риоя этиб келаётганини қайд этди.

— Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги алоқаларнинг кундан кунга ривожланиб бораётганини, — деди, жумладан, Тожикистон элчиси, — жаҳон жамоатчилиги кўриб турибди. Биз буни кўролмайдиган айрим ғиғогларнинг найрангларига учмаймиз. Аксинча, муносабатларимизга путур етказадиган бу хил бўҳтонларга қарши Ўзбекистон халқи билан биргаликда кураш олиб борамиз. Бизнинг дўстлигимизга ҳеч ким, ҳеч қачон раҳна сололмайди.

БАНК СИНФЛАРИ ОЧИЛДИ

Термиз шаҳридаги 2- ва 7-мактабда банк синфлари очилди. Унга шаҳар ва туманлардан келиб тест синовларидан ўтган ўғил ва қизлар қабул қилинди.

Бу синфларда умумтаълим фанларидан ташқари компьютер ва электрон-ҳисоблаш машиналари тизими, шунингдек, шахс, мулоқот, бошқариш психологияси, маркетинг, чет тили каби фанлар ўқитилади.

БОЖХОНАЧИЛАР ЎҚУВИ

Қиргули туманида Фарғона водийси вилоятларидаги божхона хизмати ходимларининг миントақавий ўқуви бошланди.

Унинг тингловчилари божхона тизимини, валюта ва бартер операцияларини такомиллаштириш, ички бозорни ҳимоялаш, контрабандага қарши курашни кучайтириш масалаларига доир маърузаларни тинглайдилар, бу борадаги жаҳон тажрибаси билан танишадилар.

ЭКРАНДА НЕМИС КИНОСИ

Мамлакатимизда Германия маданияти кунлари давом этмоқда.

7 октябрь куни республика киночилар уйида ана шу тадбир доирасида немис киноси кунлари очилди. Унда Германия элчихонаси вакиллари, немис кино санъати усталари, Ўзбекистон киночилари ва киномухлислар қатнашди. «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси Темурмалик Юнусов мамлакатимизда ўтаётган Германия маданияти кунлари ўзбек ва немис халқлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамкорликда янги фильмлар яратишга муносиб ҳисса қўшишини таъкидлади. Германиялик таниқли режиссёр Петер Зейер йиғилганларга немис кинематографияси фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

Немис киноси кунлари тарихий «Каспар Хаузер» фильмини намойиш этиш билан бошланди. Мухлислар уч кун мобайнида кўплаб бадиий ва ҳужжатли фильмларни томоша қилади.

«Оқ олтин - 96»

ПАХТА БОЗОРИ: БУГУН ВА ЭРТАГА

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг республикамиз пойтахтида давом этаётган 55-ялпи мажлисида 8 октябрь куни пахта маҳсулотига истеъмолчилар талаби истиқболлари, бу маҳсулот нархига доир фаразлар, шунингдек нарх белгилаш йўллари муҳокама қилинди.

Пахта етиштирадиган мамлакатларда давлат тузилмаларининг пахта толаси қийматини белгилашга таъсири ҳамда пахта етиштирувчи давлатларнинг маркетинг тадқиқотлари соҳасидаги алоқаларига доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлис иштирокчиларининг фикрича, Тошкент учрашуви жаҳон пахта бозорини ҳуқуқий ва маърифий асосда тартибга келтириш, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиб, қимматли хомашё ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар билан сайёрамиз аҳолисининг эҳтиёжларини таъминлаш йўлида муҳим қадам қўйишга имкон беради.

МАРҲАМАТЛИК ПАХТАКОРЛАР РЕЖАНИ БАЖАРДИ

Марҳамат тумани пахтакорлари давлатга 18 минг 300 тонна хомашё топшириб, йиллик режани республикада биринчи бўлиб бажардилар. Шу кунгача ҳар гектар майдондан ўртача 27,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Режани 124 фоизга етказган «Пахтакор» жамоа хўжалигида ҳосилдорлик 34,7 центнер, Т. Мирзаев номли хўжаликда эса 32,5 центнер бўлди. Ўнлаб бригадаларда ҳосилдорлик 40-50 центнердан ошди.

Туман пахтазорларида терим давом этмоқда. Ҳосил чўғини чамалаб кўрган деҳқонлар яна 4.000 тонна пахта топширишни мўлжаллаб қўйишди.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 8 октябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 17,05 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 40,05 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 9 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

1 Австралия доллари	31,55	1 Норвегия кронаси	6,17
1 Австрия шиллинги	3,72	1 Польша злотийси	14,25
1 Англия фунт стерлинги	62,55	10 Португалия эскудоси	2,59
10 Бельгия франки	12,73	1 Сингапур доллари	28,39
1 Голландия гульдени	23,35	1000 Туркия лираси	0,43
10 Греция драхмаси	1,67	1 Финляндия маркаси	8,78
1 Дания кронаси	6,84	1 Франция франки	7,76
1 БАА дирхами	10,91	1 Швеция кронаси	6,06
1 АҚШ доллари	40,05	1 Швейцария франки	31,91
1 Миср фунти	11,78	1 ЭКЮ	50,08
1 Ирландия фунти	64,08	10 Жанубий Корея вони	0,48
1 Исландия кронаси	0,60	10 Япония иенаси	3,60
10 Испания песети	3,12	1000 Россия рубли	7,39
100 Италия лираси	2,64	1000 Украина карбованеци	22,76
1 Канада доллари	29,61	1000 Белорусь рубли	2,72
10 Хитой юани	4,82	1 Эстония кронаси	3,27
1 Қувайт динори	133,50	1 Латвия лати	72,95
100 Ливан фунти	2,57	1 Литва лити	10,01
1 Малайзия ринггити	16,02	1 Қозоғистон тенгеси	0,58
1 Германия маркаси	26,20	1 Қирғизистон соми	3,01

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР

ИНТЕРНЕТ

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

БМТ Афғонистонда юзага келган вазиятдан ғоят ташвишланмоқда, дея хабар беради СИ-ЭН-ЭН мухбири Нью-Йоркдан.

Бош котиб Бутрос-Бутрос Ғолий ҳозирги пайтда Қобулда ҳамма мактаб ва ўқув муассасалари ёпилганлигини таъкидлади. Толибларни шаҳарни ва унга яқин музофотларни назорат қилишни давом эттирмоқдалар, шунингдек, Аҳмад Шоҳ Маъсуд қўмондонлигидаги ҳукумат қўшинлари қаршилик кўрсатаётган Панжшир дарасининг шимолий йўналишида қақшатғич жанглар олиб бормоқдалар, дейилади СИ-ЭН-ЭН хабарида.

XXI АСР КАСАЛЛИГИ

Германияда чиқадиган «Ди Цайт» ҳафталиги мамлакат медиқларининг ортиқча уятчанлик ва камтарлик касаллигига қарши олиб борган тадқиқотлари ҳақида мақола чоп этди.

Газетанинг хабар беришича ҳозирда Германияда ушбу касалликдан икки милиондан ортиқ киши азият чекмоқда. Уятчанлик касали кейинги пайтда шунчалик кўпайиб кетдики, у билан курашга врачлар астойдил киришдилар. Медиклар XXI аср касаллигига қарши кураш учун махсус таблетка тавсия қилишмоқда. Бу дори қондан уятчанлик гормонини ажралиб чиқишини камайтиради. Бироқ масаланинг яна бир томони шундаки, кўпчилик яна ўша уятчанлик туфайли врачга учрашишдан ёки аптекада дори сотиб олишдан тортинмоқдалар.

ОЗОДЛИККА МУНОСИБ БЎЛИШГА ДАЪВАТ

«Бизнес Уик» журнали Россия матбуоти, телевидениеси сайловолди курашлари жараёнида Президент Ельцининг соғлиғи тўғрисидаги ҳақиқий маълумотни оммадан яшириб, коммунистлардан қутилиб қолишди, деб ёзади.

Журналистлар давлат цензураси йўқлигидан фойдаланиб, Президент атрофидагиларга мамлакатни касалманд раҳбар билан юзма-юз келишига ёрдам беришган. Мақола муаллифларининг фикрича, журналистлар ўзларига яратилган эркинликка муносиб бўлишлари лозим.

САЙЛОВ ҲАЛОЛ ЎТИШИ КЕРАК

Вашингтонда АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Тимоти Уирт Албания ташқи ишлар вазири билан учрашди.

Музокара чоғида Тимоти Уирт Албания ҳукуматидан маҳаллий сайловлар пайтида сайловнинг яширин ва овозларни санашда ҳалол бўлишга даъват этди. Америка томони 26 май куни ўтган парламент сайловлари пайтида йўл қўйилган хатолардан ташвишда эканлигини билдириб, икки томонлама муносабатларнинг ривожи бўлғуси сайловлар қандай ўтишига боғлиқлигини таъкидлади.

• Бизнинг шарҳ

ҲУКУМАТНИ МУЛК ЮКИДАН ХАЛОС ЭТУВЧИ ДАСТУР

Агар ривожланган давлатлар иқтисодига назар соладиган бўлсак, дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг раҳбарлари иқтисодиётга аралашмайди. Фақатгина айрим ҳолларда, яъни бозорларни тартибга солишда ҳукумат аралашиши мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири мазкур мамлакатлардаги мавжуд мулкларнинг асосий қисми мулк соҳибларининг қўлида тўпланганлигидир.

Бу ҳақда Президентимиз ҳам турли йиғилишларда кўп ва хўп гапириб ўтмоқда, мамлакатимиз иқтисодиётининг шундай эркин иқтисодий тизимга ўтиши учун бор имкониятлар ишга солинажагини қайта-қайта таъкидламоқда.

Давлат мулки қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «Хусусийлаштириш инвестиция жамғармалари» (ХИЖ) дастури ана шу йўлдаги дастлабки амалий қадамдир. У мамлакатимизда нафақат мулкдорлар синфининг оммалашувига, балки ҳар бир ўзбекистонлик фуқаронинг чет элдагидек қиймматбаҳо қоғозлар бозорида тўлиқ равишда бизнес қилиш ва даромад топиши учун имконият яратади. Унда, шунингдек, ҳиссадорлик жамиятларини ҳам қўллаб-қувватлаш назарда тутилади. Шу маънода, бу дастур, энг аввало, «Ҳиссадорлик жамиятлари ва ҳиссадорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматбаҳо қоғозлар бозорини амалга ошириш механизми тўғрисида»ги қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзи билан 18 июндаги «Хусусийлаштириш ва инвестиция жамғармалари ҳақида»ги қарори ижросини янада тезлаштиришга қўмаклашади.

Дастурга кўра, хусусийлаштириш инвестиция жамғармалари (ХИЖ) ўзбекистонлик ҳар бир фуқарога ўз акцияларидан 100 донагача сотади ҳамда белгиланган муддатда дивидент бериб боришни кафолатлайди. Бундан мақсад аҳолининг кенг қатламини қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини таъминлабгина қолмай, уларнинг даромадли бўлиши учун имконият яратишдир. Ҳуқуқий шахслар эса ХИЖнинг акцияларини фақат иккиламчи бозордан ҳарид қилишлари мумкин. Шунингдек, ХИЖлар аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш билангина чекланиб қолмайди. Аксинча, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳиссадорлик жамиятларининг ишини ҳам

> ***• Хусусийлаштиришнинг учинчи босқичида, ниҳоят, янги дастур ишлаб чиқилди.***
>
> ***• Ушбу дастур Европа Тасис Кенгаши экспертлари томонидан чуқур ўрганилиб, унинг истиқболли эканлигига ишонч ҳосил қилингач, Кенгаш дастурнинг амалга ошиши учун 1 млн. ЭКЮ ажратди.***
>
> ***• Давлат мулки қўмитаси бу дастурнинг бекаму-кўст бажарилиши учун ҳозирданоқ ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган 300 дан зиёд йирик ва ўрта корхоналарни хусусийлаштиришга ҳозирлаб қўйди.***
>
> ***• Ҳукуматимиз томонидан эса хусусийлаштириш билан боғлиқ ишлар учун яна 2,5 миллиард сўм ажратилади.***

маълум тартибга солиб, қўллаб-қувватлаб туради. Яъни ХИЖлар жамиятлар акцияси умумий миқдорининг 35 фоизигача бўлган қисмини номинал қиймат бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эга. Мабодо мазкур жамиятларнинг бирортаси зарар кўргудек бўлса, ХИЖлар сотиб олган акцияларидан кўрган даромади эвазига дивидент тўлаб боришни йўлга қўяди. Чунки улар дивидентларни ўз вақтида тўлаб боришга кафолат берадиган ягона ташкилот ҳамдир. Бунинг учун тўлиқ асослар бор. ХИЖлар инвестиция жамғармаларига нисбатан Давлат мулки қўмитаси ҳисобидан беш карра ортиги билан кредитлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, хусусийлаштирилаётган ҳиссадорлик корхоналарининг акциялари ҳам уларга кредит эвазига берилади. Муҳими, бундай кредитлар уларга етти йилга белгиланса-да, у мазкур муддатнинг дастлабки тўрт йили давомида кредитлар бўйича тўловларни амалга оширмайди ва устама фоизлар тўламайди.

Албатта, шу ўринда «Хусусийлаштириш инвестиция жамғармалари фақат кредит эвазига яшаркан-да», деган савол туғилиши мумкин. Тўғри, ХИЖлар, юқорида таъкидлаганимиздек, Давлат мулки қўмитасидан белгиланган кредитни олади, лекин у ана шу кредит эвазига нафақат ўз ташкилотини, балки кўпгина ҳиссадорлик жамиятларининг ишини йўлга қўяди, зарур бўлганда дивидент билан таъминлайди.

Юқорида биз мамлакатимизда 300 та йирик ва ўрта корхоналарни хусусийлаштиришга тайёрлаб қўйилганлиги ва бунинг учун хукуматимиз томонидан 2,5 млрд. сўм ажратилганлиги хусусида гапириб ўтдик. ХИЖлар ушбу корхоналар акцияларининг 30 фоизини номинал қиймат бўйича сотиб олади. Бу билан улар мазкур корхоналарни қисман бўлса-да бошқариш ҳуқуқига эга бўлади. Шубҳасизки, бундай тадбир хорижлик ишбилармонларда ҳам акцияларимизни сотиб олишларига ишонч уйготади.

Агар биз хусусийлаштиришнинг дастлабки даврига назар соладиган бўлсак, 1992-93 йилларда 54 мингдан зиёд савдо, маиший хизмат ва маҳаллий саноат шохобчаси, 1994-95 йилларда — йирик ва ўрта корхоналар хусусийлаштирилганлигини кўрамиз. Бу жараён ўз навбатида 2 миллиондан зиёдроқ кишининг мулк соҳиби бўлишига замин яратди.

Ҳеч иккиланмай айтиш лозимки, хусусийлаштиришнинг учинчи босқичи ҳам муваффақиятли ўтади. Бунинг учун тўлиқ асослар бор. Ҳаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган ХИЖлар дастури бунинг ёрқин далилидир. Мазкур дастур яқинда Давлат мулки қўмитасининг инагурацион семинар-кенгашида чет эл элчилари, банкирлар ва мутахассислар томонидан юксак баҳоланди. Европа Тасис Кенгаши эксперти раҳбари жаноб Ханс Маржей бу ноёб дастур учун 1 млн. ЭКЮ ажратганлигини маълум қилди.

Муҳими, ушбу дастур билан танишиб чиққан киши хусусийлаштиришнинг учинчи босқичида ҳам давлат бош ислоҳотчи сифатида майдонга чиққанлигини яққол ҳис этади. У нафақат давлатни мулк юкидан халос этади, балки ҳар бир ўзбекистонликнинг қимматбаҳо қоғозлар бозорида ҳам дадил қадам ташлаши ва уларнинг бизнес қилиши ва даромад топиши учун имконият яратишига тўлиқ ишонади.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



«Биз — Амир Темур ворисларимиз».

Навоий шаҳридаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли 12-гимназия мактабида бўлиб ўтган анжуман ана шундай мавзуга бағишланди.

ТЕМУР — ВОРИСЛАРИ ҲУЗУРИДА

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Камолот» ёшлар жамғармаларининг вилоят бўлими, вилоят маданият ишлари бошқармаси, Навоий шаҳри маҳалла фуқаролари йиғини ҳамкорликда ташкил этган бу тантанада тарихчи олим, профессор С. Иноятов буюк соҳибқиронинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маъруза қилди.

Кейин ўқувчилар гуруҳлари шеър, ашула ва саҳнавий кўринишлар бўйича ўзаро беллашдилар. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

— Бундай анжуманларнинг ёшларимиз миллий руҳини шакллантириш, уларда буюк аждодларимиз билан фахрланиш туйғусини кучайтириш учун беқиёс даражада аҳамиятга эга, — дейди гимназия мактаби директори Э. Зоҳидова.

Зиёда ҒАФФОРОВА.

«КАМОЛОТ – БАНДЛИК» ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг иқтисодиёт, бизнес ва малака ошириш институти қошида ташкил этилган янги ўқув марказини битирган кишилар менежер ва бухгалтер касбларида ишлайдиган бўлади.

Мактаб «Камолот» ёшлар республика жамғармаси «Камолот — бандлик» агентлигининг ташаббуси билан агентлик ва олий ўқув юрти ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ташкил этилган. Бундай шартнома Тошкент молия, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтлари, Тошкент Давлат техника университети ҳамда республиканинг бошқа олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳам тузилган.

Бундан бир ой муқаддам тузилган «Камолот — бандлик» республика агентлиги фаолиятининг дастлабки натижаси ана шу ўқув марказлари ва курсларнинг ташкил этилишидир, уларни битирган тингловчиларга мутахассислиги тўғрисида тегишли дипломлар топширилади ва иш билан таъминланишига кафолат берилади. Агентликнинг асосий вазифаси ёшларнинг иш билан банд бўлиши ва уларни ишга жойлаштириш муаммоларини ҳал қилишдир.

Бозор муносабатлари шароитида аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси айниқса ўткир тус олмоқда. Эндиликда корхоналар ходимларни юқоридан бериладиган кўрсатма билан қабул қилишдан манфаатдор эмас. Корхона маъмуриятини аввало, уларнинг малакаси, билими, қобилияти қизиқтиради. Маълум мутахассисликни эгаллаган, меҳнат кўникмалари бўлган кишилар ишга биринчи навбатда қабул қилинади. Бундай шароитда 16-18 ёшли йигит ва қизлар ишга қандай жойлашиши мумкин? Сўнгги статистика маълумотларига караганда, бу йил 9-11 синфларни битирган бир неча ўн минг йигит ва қиз ҳали ўз ҳаёт йўлини белгилаб ололган эмас. Бунинг устига улар ёрдам сўраб, давлат меҳнат биржаларига мурожаат ҳам қилгани йўқ.

Ҳаётда ўз ўрнини топишга ёшларга ёрдам бериш агентлик мутахассисларининг асосий мақсадидир. Кенг кўламли, илмий асосланган дастур ишлаб чиқилган. Уни тузишда социологлар, психологлар, Меҳнат ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг ходимлари иштирок этган. Маҳаллий ҳокимият органлари қўллаб-қувватламаса бу дастурни амалга ошириш қийин. Шу сабабли вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари билан алоқа ўрнатилган. Ёз охирида бутун республика бўйича бўш иш жойлари ярмаркасини биргаликда ўтказилганлиги ўзаро ҳамкорликнинг намунасидир. Бу ярмаркаларда ҳаммаси бўлиб, 4 мингдан ортиқ корхона ва ташкилот ҳамда 40 минг нафардан ортиқ йигит ва қиз иштирок этди. Натижада шулардан 6 минг нафари ишга жойлаштирилди, 10 минг нафари мутахассислардан зарур маслаҳатлар олди, кўплари ўқишга ва қайта тайёрлашга юборилди.

Эндиликда бундай ярмаркалар ҳар йили ўтказилади. Навбатдаги ярмарка йигит ва қизлар ўзлари учун қобилиятларига ёки ўрганган касбларига мос келадиган иш жойларини олдиндан излаб топишлари учун мактабларда ва олий ўқув юртларида битириш имтиҳонлари арафасида, баҳорда ўтказилади. Шу муносабат билан ўқувчиларнинг касб танлашига катта аҳамият берилмоқда. Бу ишни халқ таълими органлари билан биргаликда йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф тўғрисидаги ахборотлар келадиган маълумотлар банкини тузиш бошланди. Шу маълумотлар асосида олимлар республика минтақалари учун иқтисодий, ижтимоий, нуфуз фаразларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар. Олинган тавсияларга мувофиқ жойларда — олий ўқув юртларида, қоллежларда, бизнес марказларида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув марказлари барпо этилади. Айни пайтда «ишчи кучи» асосий оқимини кичик ва ўрта бизнес корхоналарига йўналтиришга қарор қилинди.

Бизнинг давримизда ёшларни фақат ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлашгина эмас, уларни умумбашарий қадриятлар, халқ анъаналари руҳида тарбиялаш ҳам муҳимдир. Бу борада санъатнинг аҳамияти катта.

— «Усто — шогирд» номи билан халқ ҳунармандчилигини қайта тиклаш дастури ишлаб чиқилди, — деди «Камолот — бандлик» агентлигининг директори Гулнора Холиқова. — Мактабларда йигит ва қизлар юқори синфларни битириб чиқишини кўзлаб бу дастурни амалга оширишни қиқдаёқ бошлаймиз. Ҳозир республикадаги барча атоқли халқ усталари тўғрисидаги маълумотларни тўплаяпмиз ва айрим пайтда истеъдодли ёшларни аниқламоқдамиз. Устахоналар тармоғини барпо этмоқчимиз, улар ижод мактаби бўлиб қолади. Уста бир неча йил давомида махсус тест ёрдамида танлаб олинган шогирдларга ўз ҳунари сирларини ўргатади. Устага ҳам, унинг шогирдларига ҳам кўргазма ташкил этишда, ўз маҳсулотларини сотишда ёрдам берамиз. Бу ишлар халқ ижодиётининг энг яхши анъаналарини тиклашга ёрдам берибгина қолмай, юзлаб йигитлар ва қизларнинг касб ўрганишига имконият туғдиради.

Агентликнинг фаолияти кучайиб бормоқда. Кейинчалик бу ерда бошқа мамлакатлардаги касбдошлар билан ҳам иш билан таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилишни йўлга қўймоқчи бўлишяпти. Шунингдек, иш жойларининг халқаро ярмаркаларини, хорижий мутахассислар иштирокида айрим мавзулар бўйича семинарлар ва учрашувлар ўтказишни режалаштиришган.

ЎзА мухбири.

Мулкдорлар

ЮЗ ЭЛЛИКТА АКЦИЯ ОЛАМАН

— дейди «Навоийюктранс — 34» ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиси Омон Эргашев

Омон ака билан йўлда танишдим. Ҳайдовчи аҳли баҳор ҳавосидек бўлади — бир қарасанг жаги-жағига тегмай файласуф бўлиб кетади, баъзан эса тунд: «ҳа» ёки «йўқ»дан нарига ўтмайди.

— Бу йил чорвага оғир келди, — дедим ўсмоқчилаб, — фойда бермай қолди. Қўшнимнинг тўрт-беш бош ушоқ моли бор эди, сотиб юборди.

— Бир йил ёмонроқ келган бўлса, кейингиси яхшироқ келади. Ўша қўйларнинг пулини ҳамсоянг нима қилган дейсан? Тўрт-беш кило гўшт олган, иккита жўрасини чақириб, бўйнига ичган бўлса керак. Ё бўлмаса, пулни белига тугиб, «Ипподром»га кетгандир, сақич-пақич олиб келгани. Юради энди ўшани сотиб. Мен унинг ўрнида бўлсам, акция олган бўлар эдим. Мана бизнинг автобаза акция чиқариб, ҳаммамизга сотди. Аввалига олмадик, «Эй, буям «тилла зайимга» ўхшаган бир нарса бўлса керак», деб. Бир квартал ўтмай тугди, фойдасини олдик. Яна оламан десам, тамом бўлибди...

Ана шу суҳбат сабаб бўлиб «Навоийюктранс—34» ҳиссадорлик жамиятига йўл олдим. Йўлда корхона раҳбари, унинг қабулхонаси ва хоналари ҳақида ўйладим. Хизмат юзасидан кўплаб корхоналар раҳбарлари билан учрашамиз. Қулоғигача қарзга ботиб қолса-да, раҳбарнинг хонаси чет эл техникаси кўргазмасини эслатади: қўша-қўша телефон, компьютер, совутгич, факс... қўйингчи, замонавий комфорт учун нимаики лозим бўлса, ҳаммаси бор. Ишонмаяпсизми? Ана, «Навоийсут», «Нурбулоқ», «Қизилтепа» парранда ҳиссадорлик жамиятларига боринг. Раҳбарнинг хонасига киринг, қарзлар ҳақида сўранг. Эшитмаганга олишади. Хуллас булар алоҳида мавзу...

«Навоийюктранс—34» ҳиссадорлик жамиятида эса аксинча экан. Корхона раҳбари Эргаш Примов жамоанинг ишлари ҳақида қисқагина қилиб гапириб берди. У бирорта ҳам қоғоз титкилагани йўқ. Хулоса шуки, корхона режани ошиғи билан бажариб келмоқда, ҳалоли бўлсин. Шу сабабдан чиқарган акцияларининг қадри ошиб, дивиденти — фойдаси мўл бўлмоқда.

— Ўзим бештагина олиб қолдим, — дейди Эргаш Примов, — ишга яқинда келган эдим-да. Етмиш тўрт фоиз акцияни жамоамиз аҳли олди. Йигирма олти фоизи давлатда қолди. 5000 дона акция чиқарган эдик. 3700 тасини корхонамизнинг 229 ишчи-хизматчилари олишди. Дастлаб ҳар бир акциянинг қиймати 300 сўм эди. 1996 йил 1 январига келиб 1000 сўмга чиқди. Ўтган йил якуни бўйича ҳар бир акцияга 336 фоиз дивидент тўладик.

Ер юзида акция сўзининг муомалага кирганига бир асрдан ошиб кетибди. Мамлакатимизда эса истиқлол туфайли бу сўз энди ўз аҳамитини касб этмоқда. Тўғри, юқорида таъкидлаганимиздек, барча ҳиссадорлик жамиятларида ҳам акциялар қадрқиммати ортиб, қўлма-қўл бўлиб кетаётгани йўқ. Йил якуни бўйича тўрт фойизгина дивидент тўлаган корхоналар ҳам бор. Бунинг боиси нимада, унинг ҳиссадорларга таъсири қандай бўлмоқда? Келинг, саволимизга Омон аканинг мулоҳазаларидан жавоб қидириб кўрайлик.

— Биз шофёрлар бекорчиликдан кўп ҳангома қилиб турамиз, — дейди у. — Навоийдаги ҳамма автобазалар ўзларининг акцияларини чиқаришган. Лекин кўпчилигида бизларникидай эмас. Шофёрлари нолийди-да. Яна ўйлама, «лўли эшагини мақтайди» деганларидек, Омон ака ҳадеб ўзининг автобазасини мақтаб ётибди» деб. Бор гапни айтаяпман. Ўзинг ҳам сўраб билдинг, ҳар ойига беш минг сўм атрофида ойлик оламан. Биринчи апрелдан янада ошиб қолган бўлса керак. Шамол эсиб турибди. (Биз шофёрларда машин юриб турганини шундай дейди). Шу автобазада ишласам-ишламасам акциям учун дивидентми, фойдами, пенсиями, ишқилиб ҳақимни бериб туради экан. Хўш, йилнинг якуни бўйича 24 минг 590 сўм дивидент чиқибди, эрта-индин оласизлар деб турибди. Бўлса яна ўн саккизта акция олиб, жами юзта қилиб қўймоқчи эдим. Насиб этса, пенсияга тўрт йил қолди. Шунгача 150 тага етказсам, ана унда кўрсанг Омон бованги. Чол-кампирга бемалол етиб ортади. Акция дегани бир сигирдан яхшида. Унга ем хашак изламайсан. Ўзи «тугиб» ётади. Товба қилдим, буни «саветнинг зайими»га ўхшаган бир бало дебман, ўшандаёқ билганимда 150 та олган бўлар эдим. Ҳозир ҳам бир-иккитаси айтди: «Москвич»имни акцияларингга алмашаман, булар қуруқ қоғоз-ку, бир иргада қолиб кетади», дейди. «Эй, сенга оғирлиги тушмасин», дедим. Худо хоҳласа, ҳали фойдасининг ўзига «Москвич»ни олиб қўяман, дедим. Ана, мен каби бир аравакаш Бекпўлат Нурмановнинг 119 та акцияси бор эди. У йил якуни бўйича 40627 сўм дивидент олибди. Бу пулга Навоийда ҳар қандай манзилга ета оладиган енгил машина сотиб олиш мумкин.

— Энди қара, — дея сўзида давом этди Омон ака. — Худо хоҳласа, мен етмиштами, юзтами акция оламан. Ҳар йили фойдасиям бўлади. Хоҳласам уни болаларимга совға қилар эканман. Улар ҳам болаларига беради. Хуллас, ўн авлод ўтсаям, шу 34-автобаза турса, акциямиз тураверар экан-да. Бундан чиқди бекорга ишламаётган эканмизда. Сен, ука, «Омон ака акция жинниси бўлибди», деб ўйлама.

— Акция сотиб олаётганда янгам қаршилик қилмадими? Ҳар ҳолда, йигирма бир минг сўм озмунча эмас, — сўрайман ундан.

— Тўғрисини айтаман. Олдинига алдадим, кейин фойдасини кўриб, хурсанд бўлди. Ўзинг биласан, аёл киши мол-дунёни яхши кўради...

— Хиссадор бўлгач, ўз ишингизга муносабатингиз ўзгардими ёки...?

— Ана шу саволни бермасин, деб турган эдим-да. Телевизорда шундай саволни эшитсам жоним чиқиб кетади. Энди ўзинг ўйла ука. Мен бир аравакаш бўлсам. Олдинам ишлар эдим. Ҳозир ҳам ишлайман. «Бор, тош олиб бориб ташла», десалар, тош ташийман. Бошқа ишни қил деса, бошқасини. Шу-шу ҳеч нима ўзгаргани йўқ. Тўғри, директор ўзгарди. Идорадан кўп штатлар қисқарди. Бизларга «запчасть» олиб келиш яхши бўлди. Менинг ишимга дахли илгаргича. Сири нимада эканини тўғриси, билмайман, ука...

Корхона муваффақиятларининг сири, албатта, унинг режаларни ошиғи билан уддалаши, ўзаро қарзларни вақтида ҳисобкитоб қилиши билан боғлиқ. У ўтган йили 2 миллион 13,5 минг тонна ўрнига 2 миллион 36 минг тонна юк ташиб, режани 102 фойизга уддалаган. 1994 йилга нисбатан эса 36 минг тонна кўп юк ташилган. Ваҳоланки, ўша йили ҳам корхона ҳисобида 125 та юк ташиш машинаси бўлган. Демак, бор машиналардан имкон қадар унумли фойдаланилган, эҳтиёт қисмлар йўқлиги сабабли улар тўхтаб қолмаган. Бу албатта, дарҳол ҳамёнга таъсирини кўрсатади. Корхона 1994 йилда 2 миллион 858 минг сўм соф фойда олган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич 8 миллион 154 минг сўмни ташкил этди. Ўтган йили ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 33 минг 486 сўмни, 1994 йилда эса 6569 сўмни ташкил этган. Бундан ташқари, 1995 йилда корхонада барча ишчига уларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида ҳар куни 50 сўмдан овқат пули бериб борилган. Машиналарнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш мақсадида биргина ўтган йили 1150 та автомашина, 450 та аккумулятор, жами 14,5 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар сотиб олинган. 5 кунлик бензин, бир ойлик дизель ёқилғиси доимо мавжуд. Ушбу рақамларни сиз, газетхонда ҳиссадорлик жамияти ҳақида кенгроқ тасаввур пайдо этиш учун келтирдик. Аслида, мақсад бир акционер ҳақида ҳикоя қилиш эди. Юртимизда ундайлар кўп ва тобора кўпаймоқда. Иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бериб, уларнинг манфаатдорлиги ошиб бораётганлиги қувонтиради кишини. Бу қувончлар замирида эса минглаб кишилар заҳмати ётади.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

Самарқандда «Марказий Осиё аэропортлари — сайёҳлик ва иқтисодиёт тараққиёти кўзгуси» мавзуидаги халқаро семинар якунланди.

Жаҳон аэропортлар уюшмаси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан уюштирилган бу анжуманда МДҲ мамлакатлари, шунингдек, бошқа хорижий давлатларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Анжуман қатнашчилари уч кун давомида жаҳон ва Осиё аэропортлар уюшмаларининг вазифалари, ҳозирги вақтда тутган мавқеи, уларга аъзо бўлган аэропортларнинг ўзаро ҳамкорлигига оид масалаларни муҳокама этдилар, таклиф-мулоҳазалар билдирдилар.

Аэропортларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларни таъмирлаш, дунёдаги йирик фирмалар билан алоқаларни мустаҳкамлашга оид муаммолар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Бир хат изидан



Редакцияга шикоят хати ёзгани учун «Бухоро 20-трест» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг етакчи ҳуқуқшуноси Ато Ўроқов ишдан бўшатилди. «Ёзувчи»лар бу ерда ишламаслиги керак экан. «Қаерга борсанг боравер, менинг ўз қонуним бор», деди унга жамият раиси Усмон Ғиёсов.

ТОМ БОШИДА ҚЎШ ТАНДИР...

«Ўзагроқурилиш» бирлашмасига қарашли Бухоро шаҳридаги 20-трест вилоятдаги энг катта қурилиш ташкилотларидан бири ҳисобланади. У 1994 йил охирида ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Жамият раислигига Усмон Ғиёсов сайланди. У «Энди мутлоқ хўжайинман» деган хаёлга борди шекилли, кўнгли тусаган ишларга бел боғлади. Баъзи бир «шубҳали» ҳужжатлар «бошқарув ҳамда жамият аъзолари розилиги билан» дея тўлдирилди. Ҳатто, ўзлари ишлаб чиқиб тасдиқланган Низом «чизиғи»дан баъзан чиқиб туришга ҳам тўғри келди.

1994 йилда жамият раисига хизмат машинаси сифатида «Газ-31» сотиб олинади. Орадан икки йил ўтар-ўтмас унинг мотори ишдан чиқди. Худди шу даврда жамиятга қарашли Қоракўл туманидаги 3-механизациялашган кўчма колонна бошлиги Бешим Шоимов трест бошлигига мурожаат қилиб, хизмат машинаси («Жигули») сотиб олиш учун 614 минг сўм пул кўчириб беришни сўрайди. Фурсатдан фойдаланган раис унга ўзининг «Газ-31» машинасини «тавсия» қилади. Бошлиқнинг гапини «синдиролмаган» Шоимов икки йил юриб, мотори ишдан чиққан «Газ-31» автомашинасини 614 минг эмас, қимматроқ — 800 минг сўмга харид қилишга мажбур бўлади. Яна унга бошқа янги мотор ҳам қўяди. Ҳар қалай, бу маш-машалардан янги «Жигули» афзал эди.

Бундан ташқари, 1995 йилда трест раҳбарлари Бухоро туманидаги «Шоҳруҳ-92» фирмасидан 525 минг сўмлик векселга «Тико» енгил машинасини сотиб олди. Ҳолбуки, бу векселлар Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига сарфланиши керак эди. Яна худди шу йили «Ўзавтотеххизмат» ташкилотидан битта «Рейсер» русумли енгил машина (671160 сўмга) харид қилинган. Ишчиларга маош қаердан берилганлиги эса бизга қоронги. «Машина пойгаси» шу тариқа давом этиб, ҳиссадорлик жамияти 1996 йил «Бухоротранс» ташкилотига 25,4 тонна (қиймати 1.049.757 сўмлик) трубаба бериб, эвазига яна битта «ГАЗ-31» машинасини сотиб олибди. Эҳтимол, бу трубалар ҳам қаергадир сарфланиши керак бўлгандир?

Ҳали акциялар чиқармасданоқ, жамоанинг маблағини бу қадар совуриш инсофданми? Бу ҳам етмагандай, раиснинг хизмат хонасига юз рақамли телефонни ўрнатиш учун 2019 АҚШ доллари харжланганига нима дейсиз? 1995 йилнинг 14 ноябридан 1996 йилнинг 13 мартигача мазкур телефондан фойдаланилгани учун 96603 сўм тўланганлигичи? Тўғри, замонавий алоқа воситалари керак. Аммо бу ёғингизда ошиб-тошиб ётган пул бўлса сарф қилинг-да. Шуни айтсалар керак — супрасида уни йўқ, том бошида қўш тандир, деб.

— Биз Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида ишлаяпмиз. Бевосита 20-трестга бўйсинмасак ҳам векселни улардан оламиз, — дейди Ўзагротрансмахсусқурилиш 2-тренстининг хўжаликлараро махсус механизациялашган 409-кўчма колоннаси бошлиги Анвар Аҳмедов. — Трест маъмурияти негадир ишлаган пулимизнинг доимо 10-15 фоизини беради. Биз эса олган эҳтиёт қисмларимиз ҳақини тўлолмаяпмиз. Масалан, Самарқанддаги «Қишлоқтрансмахсусқурилиш» ташкилотидан 2 миллион сўм қарзимиз бор. 20-трест эса биздан 3 миллион 800 минг сўм қарз...

Четга жўнатилган маҳсулотларнинг орқасидан суриштиришга трест раҳбарларида вақт ҳам, ҳафсала ҳам йўқ. Масалан, 1994 йилнинг февраль ойида Бошқирдистоннинг Туймази шаҳрига 5 вагон қурлишга ишлатиладиган плита жўнатилган экан. 52.935.740 сўм-купонлик қурилиш материали ҳанузгача домдараксиз. Ҳозирги сўмимизда 52935 сўм 0,74 тийин бўладиган маблаг кейинги йиллар ҳужжатларида гоҳ йўқолиб, гоҳ пайдо бўлиб қолаверди. Икки ўртадаги далолатномани солиштириш мақсадида Туймазинга борганлар қуруқ қайтишди. Гўё пул қаергадир кўчирилган эмиш. Лекин Бухоро вилоят назорат-тафтиш бошқармасининг бўлим бошлиги ўринбосари Ҳабиб Шодиевнинг текширишидан сўнг, бу сумма «йўқолмайдиган» бўлди.

Жамият раҳбарлари ўз лавозимларини суиистеъмол қилаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Раис муовини С. Рамазонов ўзининг янги қурилаётган уйига сув қувури тортиб келиш учун 409-ПМКнинг «Белорусь» тракторини ишлатиб, трест ҳисобидан бу ташкилотга 13755 сўм кўчирган. Сўнгра ими-жимида трактор трест базасида ишлади, дея расмийлаштирилган. У киши бу масалада қўни-қўшнилари гувоҳлик бериши мумкинлигини ўйламаган бўлса керак. Раиснинг иккинчи ўринбосари М. Юсупов икки ўглини Бухоро ҳиссадорлик ўқув ишлаб-чиқариш комбинатида ҳайдовчиликка ўқитиш учун ўзларига қарашли 196-механизациялашган кўчма колоннадан комбинатга 11902 сўм ўтказиб берган. Далилларни текшириб чиққан тафтишчи у кишидан жамият пулини ундириб олди. Буларни эшитган ҳар бир ишчининг кўнглида қўйидагича саволлар туғилиши табиий: «Нега бирорта оддий қурувчининг уйида трест ҳисобидан трактор ишламайди? Нега бизнинг болаларимиз ҳайдовчиликка ўқитиларни ҳам назар-писанд қилмайдиган кўринади. Йўқса, у киши Бухоро шаҳридаги Ф. Ҳўжаев туман суди қарорини аллақачон бажариши керак эди. У. Ғиёсов томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодексининг 8-банди 41-моддаси қўпол равишда бузилиб, омбор мудири Маҳмуд Нуруллаев 1995 йил февраль ойидан буён ишсиз юрибди.

У дастлаб ишга тиклашларини сўраб вилоят касаба уюшмасига мурожаат қилади. Аризани ўрганиб чиққан уюшма раҳбарияти собиқ омбор мудири ҳақ эканлигини, уни ишга тиклаш лозимлигини талаб қилиб хат ёзади. Бу хат жамият раиси Ғиёсов томонидан эътиборга олинмайди. Шундан сўнг М. Нуриллаев Ф. Ҳўжаев туман судига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлади. Суд ҳам уни ишга тиклаб, бекор ўтган вақти учун 20-трест маош тўлаши лозимлиги ҳақида қарор чиқарди. Трестнинг норозилиги туфайли иш яна судда қайта кўрилиб, қарор ўз кучида қолдирилди. Туман суди ижрочиси трестга бир неча бор ташриф буюриб, Ғиёсовдан сув қарорини бажаришни талаб қилади. Иложиз қолган раис Нуриллаевни ишга тиклади. Аммо... бошқа ишга.

Ҳозир омбор мудири бўлиб ишлаб келаётган Карим Орипов ҳатто тегишли ҳужжатларни тўлгазишни ҳам билмаслигини эшитиб, ёқа ушладик. Унинг киримчиқим ҳисоб-китобларини трестнинг жиҳозлар бўйича ҳисобчи вазифасида ишлаётган Г. Колесникова тўлдириб борар экан. Айни пайтда К. Орипов жавобгарлигидаги омборда 51017 сўм 44 тийинлик даромад ва 1.196.690 сўм 0.98 тийинлик ортиқча товар моддий бойликларнинг мавжудлиги тафтишда аниқланди. Лекин унга ҳеч қандай чора кўрилгани йўқ. Тафтиш ҳужжатлари тегишли органларга жўнатилмаган кўринади.

— Аввалари базамизда ямяшил боғ, гуллар, лолалар ўсиб ётарди, икки йилдан бери у таптақир чўлга айланди, — дейди 20-трестнинг техник ишлаб-чиқариш базаси қоровули Бафо Каримов. — Чунки биз машиналарга эшик ёпиб-очиш ўрнига чўпонлик қиламиз. Базада трест бошлиги ва база мудирининг 19 та қўйи боқиляпти.

Текширишлар 20-трестнинг таъминот идорасида ҳам қинғир ишлар бўлаётганидан далолат бермоқда.

Ушбу идорадан Қоракўл туманидаги ПМК ишчилари олган озиқ-овқат маҳсулотлари ўлчаб кўрилганда 90 кишига 9 килограмм ўрнига 7 килою 300 грамм гўшт, 18 килограмм ўрнига 14 килограмм макарон берилганлиги маълум бўлди. Ёғ ҳам бир неча юз грамм кам чиқди. Энди буни трест ҳисобидан ишлаётган 1500 ишчи бошига ҳисобласангиз, бир кунда қанча озиқ-овқат маҳсулоти «гум» қилинаётганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Энди мана бунга эътибор қилинг. Бухородаги 20-трест ҳиссадорлик жамияти ҳуқуқшуноси редакцияга шикоят йуллагани учун ишдан бўшатилибди. Унинг ўрнига дарҳол бошқа мутахассис ишга қабул қилинди. Собиқ юристга 2 минг сўмга яқин маош тўланган бўлса, янги ходимга 4 минг атрофида ойлик берилган. Қизиги шундаки, 3-4 ой ўтар-ўтмас ҳайдаб юборилган юрист ишга қайта тикланиб, бекор юрган ойлари учун иш ҳақи ҳам олди. Раис бундан нима ютди? Қолаверса, янги юрист ҳам шартнома асосида 4 минг сўм маош олиб ишламоқда. Бу жамият маблагини кўкка совуриш эмасми?

Ҳолбуки, бу жамоа аъзолари анчадан буён маош олганлари йўқ. Трест фаолияти ҳужжатлар асосида тўлиқ тафтиш этилсагина баъзи бир жумбоқлар ўз ечимини топишига шубҳа йўқ.

Тартиб-интизом йўқ жойда қут-барака ҳам бўлмайди. Буни Бухородаги 20-трест ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари унутиб қўйганга ўхшайдилар.

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.

• Тинчлик йўлида ҳамкорлик: «Ультрабаланс-96»

ҚЎШМА ҲАРБИЙ МАШҚЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШ МАКТАБИНИ ЎТАДИ



Мамлакатимизнинг сўлим гўшаларидан бирида ўн кун давомида НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурига мувофиқ ўтказилган ўзбекистонлик ва америкалик ҳарбий хизматчиларнинг «Ультрабаланс-96» ҳамкорлик тактик ўқув машғулотлари ниҳоясига етди. Икки давлат ҳарбийларининг касбий маҳоратларини янада ошириш борасида ўзаро тажриба алмашиш мактаби ролини ўтаган бу ҳарбий машғулотларда асосан тоғ ва тоғолди шароитида ҳарбий-тиббий тайёргарлик синовдан ўтказилди ҳамда парашютдан сакраш машқлари ҳамкорликда бажарилди.

...Буйруқ берилгач, бўлинма командири ўринбосари катта лейтенант Солижон Собиров ҳамда взвод командири лейтенант Ратмир Юлдашев автоматлардан узлуксиз ўқ узишга кириши, портловчи воситаларни ирғитдилар. Атроф гулдуросли шовқин-сурон ва чанг-тўзону тутунга бурканди. Шу пайт жароҳатланганлар шерикларини ёрдамга чақиришди. Дўстларининг овозларини эшитган кичик сержант Нормурод Бозоров, оддий аскарлар — Исқандар Умаров, Николай Слемнёв, Анвар Турдиев тезкор, лекин ўта эҳтиёткорлик билан, ярим энгашган ҳолда улар томон чопдилар. Кичик сержант Н. Бозоров даставвал оғриқ азобида инграб ётган оддий аскар А. Холмуродовни текисроқ жойга ётқизди. Дарҳол нафас олиш ҳолатини текширди. Жуда оғир жароҳатланган бўлса керак, унинг бўйнидан ва кўкрагидан қон оқарди, чап оёғи синган, қўлида ҳам куйган жароҳат ўрни кўзга ташланарди.

Нормурод сумкасидан махсус ҳаво ўтказмайдиган вазелинли мосламани олиб, Алижоннинг кўкрагидаги ўқ тешиб ўтган жойга босди. Бўйиндаги жароҳатга ҳам стерилланган докани қўйидда, юрак ва ўпканинг ишлаш ҳолатини текширди. Қон босимини ўлчади: жуда ночор. Демак, кўп қон йўқотган. Кичик сержант ҳар дақиқани ғанимат билиб, ярадор жангчининг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

У икки қўли билан ярадорнинг белини пайпаслаб, текширишга кириши. Қўли қонга беланди ва у кўкракдан кирган ўқ орқа томондан чиқиб кетганига амин бўлди. Зудлик билан белидаги жароҳат ўрнига ҳам вазелинли мосламани қўйди. Сўнгра қон ўрнини босувчи суюқликни Алижоннинг қўлидаги қон томири орқали юборди. Бўйиндаги жароҳатни маҳкам боғлади. Юрак ва ўпканинг ишлашини қайта назорат қилди. Яхши.

Жароҳатланувчи инграшда давом этарди. Кичик сержант Алижоннинг синган оёғини махсус мосламалар билан таңгиб қўйди. Қуйган жароҳатни дастлаб ювди, сўнгра ёғ сурди, кейин эса стерилланган махсус дока билан боғ-



лади. Уни аста замбилга ётқизиб бўлгач, назоратчи штаб-сержант Брайн Барберга ярадорга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилганлиги ва энди уни тиббиёт-даволаш масканига жўнатиш мумкинлиги ҳақида ахборот берди.

Штаб-сержант қўл соатига қараганича: «О кей, о кей», — дея Нормуродовнинг топшириқни ниҳоятда тезкорлик билан, аъло даражада бажарганлигини таъкидлади.

Шундай қилиб, ярадор посбоннинг ҳаёти сақлаб қолинди. И. Умаров, Н. Слемнёв, А. Турдиев ҳам қуролдош дўстларига катта маҳорат билан биринчи тиббий ёрдам кўрсатишди...

Йўқ, бу ҳаётий воқелик эмас, балки америкалик ҳарбийларнинг бир неча кун мобайнида капитан Ботир Абдуллаев бошлиқ бўлинма шахсий таркиби билан бирга шартли равишда олинган «жанг майдонларида» ўтказилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича назарий-амалий машғулотларидан келтирилган бир лавҳа, холос. Табиий, бу ерда «ярадор», «қон», «қуйган тана», «синган суяк» тушунчалари ҳам нисбийдир. Яъни қон ўрнида қизил бўёқдан, куйган тана учун қора бўёқдан, синган суяк сифатида юпқа оқ таёқчалардан, ярадор ўрнида аскарлардан фойдаланилган. Тиббий ходим, 1-тоифадаги сержант Мак Кормак раҳбарлик қилган мазкур машғулотлар имтиҳонидан бўлинманинг ҳар бир аъзоси фақат «аъло» ва «яхши» баҳолар билан ўтди. Америкалик малакали тиббий мутахассислар, айниқса, сержант Нурали Файзиев, кичик сержант Дилшод Тўраев, оддий аскарлар — Жамшид Ғоипов, Андрей Волошин, Баҳодир Тошпўлатовнинг хатти-ҳаракатларини юқори баҳолашди. Улар бўлинма ҳарбий хизматчиларига ҳар қандай оғир вазиятларда одамлар ҳаётини сақлаб қолиш йўлида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш сир-синоатларини ўргатишда жонбозлик қилган бўлинма шифокори катта лейтенант Мирзакарим Абдуазимовга самимий ташаккур билдирдилар.

— Дастлаб кўплаб тиббий соҳадаги терминлар бир-биримизга нотаниш бўлгани учун машғулотларни олиб боришда бир оз қийинчиликлар юзага келди, — дейди 1-тоифадаги сержант Мак Кормак биз билан суҳбатда. — Аста-секин таржимонларнинг ёрдамида ҳар бир машғулотни қониқарли ўтказиш учун интилдик. Айни пайтда режадаги машқларнинг кўнгилдагидек ўтганидан хурсандмиз. Биз сизнинг тиббий соҳадаги бой тажрибага эга мутахассисларингиз ва тиббий техника ҳамда воситаларингиз билан изчил танишдик. Бу борада кўпгина ўхшашликлар ва бизга батамом таниш бўлмаган тиббий мосламаларингиз борлигига амин бўлдик. Жумладан, катта лейтенант М. Абдуазимов билан биргаликда назарий ва амалий машғулотларни ўзгача мароқ ила ўтказдик.

— Америкалик ҳарбий санитар-инструкторлар олиб боришган машғулотларда ўзаро тажриба алмашиб, кўп нарсаларни ўргандик, — дейди бўлинма шифокори, катта лейтенант М. Абдуазимов. — Масалан, бўйиндаги умумий уйқу артерияси жароҳатланганда оқаётган қонни тўхтатиш бўйича ўз услубларимизни ўртоқлашдик. Албатта, бу борада бизнинг қўллаган йўл-йўриғимиз афзал ва ишончли эканлиги намоён бўлди. Оёқ ва сон суяклари синганда махсус тахтачалардан фойдаланиш йўл-йўриқларини бир-биримизга кўрсатдик. Бунда бизнинг воситаларимиз устунлик қилганин маълум бўлди. Уларда жароҳатланувчига оғриқни қолдирувчи дори-дармонларнинг умуман қўлланмаслиги бизни ҳайратга солди.

Ҳа, Ўзбекистон ва АҚШ ҳарбийларининг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳарбий машқларига ана шундай ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашиш руҳида тайёргарлик кўрилди ва бу ҳарбий машқлар муваффақиятли ўтди.

«Ультрабаланс-96» иштирокчилари қояли тоғлар бағрида жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда техника воситаларида бориб бўлмас ҳудудларда жароҳатланганларни даволаш масканларига қўл қучи билан элтиш вазифасини муваффақиятли бажардилар.

Дастурга мувофиқ ҳаво десанти тайёргарлиги машғулотларини бўлинма командирининг ҳаво десант хизмати бўйича ўринбосари капитан Уктам Каримов олиб борди. У аввало Қуролли Кучларимизда ҳаво десантчиларининг тутган мавқеи ҳамда аҳамияти ҳақида америкалик ҳарбийларга маълумот берди. Сўнгра бўлинмаларда қўлланаётган парашютлар, уларнинг тузилиш, ишлатиш йўл-йўриқлари билан бирма-бир таништирди. Меҳмонлар ҳам ўз парашютларини кўрсатдилар. Иккала томон вакиллари парашютларни тахлаш, шунингдек, сакрашга шай ҳолга келтириш сир-синоатлари билан танишдилар ва амалда машқ қилдилар.

Кейин машғулотлар ҳаво десанти комплекси бўйича ўтказилди.

Америкалик ҳарбийлар бизнинг парашютларда сакраш учун тайёргарликни авж олдирдилар. Бу соҳада етук тажрибага эга моҳир десантчи капитан У. Каримов беш минг метрлик баландликдан сакрашда техника хавфсизлиги чора-тадбирлари, ҳар бир ҳаракатнинг нозик жиҳатларини уларга синчковлик ила ўргатди.

Бизнинг ҳарбий хизматчилар эса АҚШ парашютларида сакрашга ҳозирлик кўрдилар. Фарқли томони америкаликлар парашюти 800 метрлик баландликдан сакрашгагина мўлжалланган экан.

Сўзсиз, биргаликда кўрилган бу тарздаги пухта тайёргарлик Ўзбекистон ва АҚШ ҳарбийларининг «Ультрабаланс-96» машқларини ҳам муваффақиятли якунлашларининг омили бўлди.

Америкалик ҳарбийлар ўз юрти сари отланар экан, биз уларнинг баъзиларини мулоқотга чорладик.

Сержант Девид МАКОВСКИ:

— Мен жаҳоннинг кўп мамлакатларида бўлганман. Юрт кезиш жон-дилим. Шу боис ҳар мамлакат ҳақида тасаввурларим турлича. Ўзбекистоннинг ниҳоятда гўзал, мақтаса арзигулик ўлка эканининг гувоҳи бўлиб турибман. Шаҳарларингиз гўёки боғларга ўхшайди. Ям-яшил дарахтлар, чаман гулзорлар, истироҳат боғлари... Масалан, Самарқанд мени, айниқса, лол қолдирди, десам муболаға бўлмас. Асрлар мобайнида сақланиб келинаётган тарихий обидаларни айтмайсизми?! Одамлари эса меҳмондўст, камтарин. Шундай юрт ҳимоячилари эканлигингиздан қанчалар фахрлансангиз арзийди.

1-тоифадаги сержант Ричард ФЕЛЬДМАН:

— Ҳарбий лагерь менга жуда ёқди. Бу ердаги тоза ҳавонинг ўзи киши дилига ором бағишлайди. Шунинг учун ўзбекистонлик посбонлар бу лагерда сўссиз янада чиниқиб, касбий маҳоратларини оширишларига ишончим комил.

Америкага борганимизда бундай тенгги йўқ маскан ҳақида сафдошларимга сўзлаб бераман.

Штаб сержант Энтони РЭТЧЛЕСС:

— Мен бу ерни «Кичик Швейцария», дея атагим келяпти. Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга яна келгудек бўлсам бундан ғоят севинган бўлардим. Шундай ўлкага ташриф буюриб, тинчлик йўлидаги ҳамкорлик машғулотларида қатнашганлигимдан бағоят хурсандман.

Шуҳратбек ҲОШИМОВ,
ҳарбий журналист, лейтенант,
Р. ЭРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЙЎЛЛАР ВА ЙИЛЛАР

Турғун ака Катта ўзбек тракти бўйлаб Яккабоғ сари кетар экан, машинани кўп газламади. Ҳар доимгидек шошилаётгани йўқ — биродари тўйга йўқлабди. Тўйга бориш — қарз. Кўнгилга яқин одамингнинг яхши кунида ёнида турсанг, дилидаги миннатдорчилик туйғусини дарров сезасан. Шу туфайли Турғун ака тўйга бир кун олдин отланди.

Ҳайдовчининг кўзи йўлда бўлгани билан баъзида хаёл олиб қочади. У бу йўллардан ҳар хил машинада жуда кўп қатнаган. У пайтларда йўллар оғир эди. Энди эса замон ўзгарди, турмуш фаровонлашди, йўллар ҳам тобора созланиб бораётир. Атрофдаги тақир чўллар бугун боғу бўстонга айланган — ҳаёт қайнайди. Одамлар бу ерда чинакамига меҳнат қилишди, қаҳрамонлик кўрсатишди.

Қаҳрамон бўлиш учун кўкракка нишон тақиш шарт эмас экан. Мирзачўлда меҳнат қилаётганларнинг ҳар бир дақиқасини қаҳрамонлик соатларига менгзаш мумкин. Тўғри, улар ўтсочар миномётнинг оғзига кўкрак қўйишмади, осмондаги самолётни уриб туширганлари ҳам йўқ. Аммо улар ўша пайтда ҳам бўз йигитларини урушга жўнатиб, қўлтиқтаёқ ва ялангоёқ билан кетмон чопишди, фронтдагиларга ризқнасиба жўнатишди.

Буни у ўз кўзи билан кўрган, элас-элас эслайди. Раҳматли бувиси (жойи жаннатда бўлсин) шундай қиларди. Кўзлари тўрт бўлиб кетди шўрликнинг. Беш нафар ўғлини фронтга берди. Кейин билса, фронтга эмас, худога топширган экан уларни — биронтаси қайтиб келмади. Тўғри, Турғун набирасининг адаси — учинчи фарзанди икки ярим йил хизмат қилиб, тоби бўлмай қишлоққа қайтганди, бир муддат бригадир бўлиб ҳам ишлади. Аммо билмайди, қайси бир бойваччанинг арзандаси ўрнига уни яна фронтга олишди ва домдараксиз кетди. Зулфия момо эса аламини меҳнатдан олди, жовдираб қолган невараларига худодан умр тилади.

Беш фарзанди 1941-1945 йилдаги урушда қурбон бўлган, ўзининг умри қора меҳнатда, элюртнинг ташвишида кечган онага қандай сифат бериш мумкин? Бу қаҳрамонлик эмасми?

Турғун ака Мамажонов ёқасининг тугмасини бўшатди, машина ойнасини сал очиб қўйди. Хаёл билан Китоб довонига яқинлашиб қолибди. Ён томонда Ўргутнинг тош уйлари, бирам бежиримки, ҳавасинг келади. Устасига баракалла. Аслида ҳар бир одам ўз ишининг устаси бўлиши керак. Шундагина иш ҳам, турмуш ҳам яхши кечади. Турмушим ночор дейиш — ношуднинг гапи, ўзига ишонган одам ундай демайди. Ўзи-чи, ўзи? 39-автобазада слесарликдан иш бошлади. Шоферлик курсини тамомлади, орада индустриал техникумда ҳам сиртдан ўқиди. Шундан буён унинг умри автобаза билан боғлиқ. 7 йил ҳайдовчилик қилди — ЗИЛ ҳайдади. Тошкент шаҳар марказлашган оғир юк ташиш трестига қарашли 1-автобазада механик бўлиб ишлаган йиллари кўп тажриба орттирди, шофер халқининг тилига тушунди, аниқроғи, у ҳам ўз ишининг устасига айланди. Шу туфайли 141-автобазада колонна бошлиғи бўлиб ўн йил ишлаш унга оғирлик қилмади, аксинча, иштиёқ билан меҳнат қилди. Шоирларнинг тили билан айттанда, илҳомланиб ишлади.

Бугун у катта бир жамоанинг раҳбари — «Наврўз» акционерлик жамиятида жамланма бошлиғи. Худога шукурки, ишлари яхши. Икки фарзанди ўзи билан ёнма-ён — бири КамАЗ ҳайдайди, иккинчиси — ЗИЛ. Аммо уларни жамоа аъзоларидан устун қўймайди, сал интизомни бузса, икки карра жазолайди. Бу ерда тартиб — ҳамма учун бир хил.

«Наврўз»нинг асфальт-бетон заводи, «Тошметрополитен», «Главташкентстрой», 1-механизация бошқармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан йиллик шартномаси бор. Ҳар куни 30 дан ортиқ машина Тошкент шаҳрининг турли қурилиш объектлари сари йўл олади. Турғун ака шаҳардаги Ипак йўли, Навоий, Беруний, Сағбон ва Фарғона йўли кўчаларидан юрганда йўлларнинг равон ва кенглиги, ёруғ ва текислигида ўз ҳиссаси, аниқроғи, жамоаси улуши борлигидан фахрланади.

Довон тугагач, яна текис йўл бошланди. Яна катта-катта иморатлар, мактаблару, боғчалар. Тўрт набираси қуршовида кетаётган кампирни кўриб, онаси Ҳидоят ая кўз ўнгига келди. 80 ёшли онасининг бугун 14 та невараси, 42 нафар чевараси бор. Келинларини ҳамиша алқаб юради. Айниқса, Саноатхонни яхши кўради. Ҳамиша ёнида. Уям пенсияга чиққан. Қарийб 30 йил мактабда ишлади, ёшларга сабоқ берди.

Мана Яккабоғ ҳам кўриниб қолди. У бу ерда ҳам олти ой меҳнат қилди. 1967 йилда курс очиб, хотин-қизларни механизаторликка ўқитди. Бу ерга тўйга келаётганлиги ҳам шу сабаб. Бир пайтлар Яккабоғнинг сувини ичди, тузини тортди, ёр-дўстлар, биродарлар орттирди.

Қабристон ёнидан ўтаётиб, Турғун ака юзига фотиҳа тортди: «Илойим, жойлари жаннатда бўлсин». У 1971 йил Польшага бориб, Вембрандова қишлоғи қабристонида ҳам узундан-узун тиловат қилиб, кўзлари намланганди. У ўша ердаги отасининг қабридан бир сиқим тупроқ олиб келиб, бувиси Зулфия Зокирова қабри ёнига қўйди. Элга йил оши берди...

Тўй бўлаётган ховлининг файзи бўлакча бўлади — озода, осойишта. У дарвоза олдида машинани тўхтатиши билан болаларнинг қичқириғи эшитилди.

— Турғун бовам келдилар. Турғун бовам келдилар!

Икки биродар қучоқ очиб кўришди.

Уйга киргач, Турғун ака фотиҳага қўл очди.

— Илойим, ўтган ҳар кунинг тўй бўлсин, биродар!

ЖЎШҚИН.

Ватан — маҳалладан бошланади

ҚАЛБЛАРНИ ҚУЁШДЕК ИЛИТАЁТГАН МЕҲРИБОНЛИК

Маҳалла Ватаннинг бир парчасидир. Кишининг қувончу ташвишларига қоришиқ ана шу табаррук гўша ҳар бир инсонни чақалоқлигидан бошлаб ўз бағрига олганлиги билан ҳам азиздир.

Андижон шаҳар аҳолиси ўзларининг киндик қони тўкилган, беғубор болалиги, бетакрор ўсмирлиги, жўшқин ёшлиги кечган маҳаллаларининг қадр-қимматини, обрў-эътиборини, довруғини ошириш учун астойдил кураш бошладилар. Табиийки, бу хайрли ишларнинг бошида оқсоқоллар, маҳалла фаоллари туришибди.

Шуни алоҳида таъкидлиш керакки, шаҳарда аҳолиси сийрак бирорта маҳалла йўқ. Масалан, «Янги турмуш» маҳалласида 2 минг 800 киши истиқомат қилса, Султон Жўра номидаги маҳаллада салкам ўн бир минг киши яшайди. Бу ердаги мавжуд 52 та ана шундай маскан энг аввало барқарор тинчлик ва осойишталикни таъминлашни, ободонлаштиришни кун тартибидаги долзарб масалалардан бири деб билмоқда. Катта-кичик тадбирлар асосан ҳашар йўли билн амалга оширилаяпти. Бу борада «Жумабозор,» «Намуна», «Навбаҳор», «Бирлик» маҳаллаларида ибратга лойиқ ишлар қилиняпти. Чунончи, жумабозорликлар 100 метр жойни ўз кучлари билан ободонлаштирдилар. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зокиржон ҳожи Ғойибназаровнинг саъй-ҳаракати билан оналар жамғармаси ташкил этилди. Халқ банкида мазкур жамғарманинг салмоқли пули бор. Маҳаллада икки ерда йўловчилар учун ҳар жиҳатдан қулайликлар яратилган бекат қад ростламоқда, бозорча ташкил қилиняпти.

Аҳиллик, ҳамжиҳатлик, тотувлик бор жойда барака бўлади. «Бирлик» маҳалласи аҳли бу оддий ҳақиқатни яхши билади. Шу боис туғишганлардек меҳр-оқибатли бўлиб яшашга, ҳар бир ишни бамаслаҳат амалга оширишга интилишади. Яқинда бир ўзи истиқомат қилиб келаётган онахоннинг уйи намгарчилик оқибатида қулаб тушди. Маҳалладагилар қараб турмадилар, ҳашар йўли билан уйни тиклаб бердилар.

— Беш йилдирки, бирон кўчада, хонадонда уриш-жанжал бўлгани йўқ, бўлмасин ҳам, — дейишди «Зарбдор» маҳалласида истиқомат қилувчилар. — Бизда 21 нафар уруш иштирокчиси яшайди. Шундан 12 нафари ногирон. Уруш кўрган кишилар, кам таъминланган оилалар бошларига бирон иш тушгудай бўлса, ўз холига ташлаб қўймайдиган, аксинча беминнат ёрдам қўлини чўзадиган, ғам-ташвишларини кўплашиб бартараф этадиган халқпарвар юрт борлигини, Ватан борлигини яхши биладилар.

Бу меҳрибонлик қалбларни қуёш нури янглиғ илитади, эртанги кунга бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ
«Халқ сўзи» мухбири

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШОЛИСИ

Бу йил камида 350 минг тонна шоли етиштиришга бел боғлаган Қорақалпоғистон деҳқонлари ўрим-йиғимни тобора авж олдирмоқдалар. Нукус туманидаги шоличиликка ихтисослаштирилган «Кердер» жамоа хўжалигида мавсум айниқса уюшқоқлик билан ўтказиляпти. Шолизорларда ҳар куни 54 та комбайин, 24 та жатка юқори унум билан ишлатилмоқда. Биринчи ўримдаёқ гектар бошига ўртача 43 центнердан ҳосил олиняпти.

(ЎзА)

Ташкилот, муассаса ва корхоналар раҳбарлари, хусусий фирма соҳиблари ҳамда пойтахтимиз фуқаролари

ДИҚҚАТИГА!

Сиз давлат мулкини, жамоа ва шахсий бойликларингизни кўз қорачиғидек асрашни, содир этилиши эҳтимоли бўлган турли жиноятларнинг олдини олишни истасангиз, корхонангиз ҳамда хоналарингизни ишончли қўлларда бўлишини хоҳласангиз

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармасига мурожаат қилинг.

Жорий йилнинг саккиз ойлик натижаларига кўра, ходимларимиз томонидан 382 та жиноят фош этилди. Шунинг натижасида халқимизнинг милицияга бўлган ишончи кундан-кунга ортмоқда. Қўриқлашга қабул қилинган объектлар ва марказлаштирилган қўриқлаш пультларига уланган хонадонлар сони кўпаймоқда. Чунки биз қўриқлашга қабул қилинган ташкилот ва хонадонлар учун

КАФОЛАТ БЕРАМИЗ.

Ҳамшаҳарлар, вақтни қўлдан бой берманг. Биз Сизларнинг осойишталигингизни таъминлашга, нопок кимсалар йўлига ғов бўлишга астойдил

ХИЗМАТДАМИЗ.

Биз билан шартнома тузиб ҳеч қачон ютқазмайсиз.

Манзилимиз:
Миробод тумани, Клара Цеткин кўчаси, 58.
Телефонлар:
55-73-08, 56-62-88, 56-61-88, 56-60-55.

BRITISH-AMERICAN TOBACCO
ЎЗБАТ А.Ж. ЎЗБЕК-БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Сизга агар иш керак бўлса...
Сизга агар жиддий иш керак бўлса...
Сизга агар барқарор иш керак бўлса...

Сизга агар яхши ҳақ тўланадиган иш керак бўлса ЎЗБАТ ҳиссадорлик жамиятига ишга келинг!

Компания қуйидаги мутахассисликлар бўйича ишга қабул қилмоқда:
- *техник-механик;*
- *электрон жиҳозлар наладчиги.*

Бунинг учун қуйидаги талабларга жавоб беришингиз керак:
- *35 ёшга кирмадингизми?*
- *Махсус ўрта ёки олий-техник маълумотга эгасизми?*
- *Сиз "Бритиш-Американ Тобакко" компаниясининг энг яхши ўқув марказларида ўқишга тайёрмисиз?*
- *Сиз жаҳон андозаларига мос даражада ишлашга тайёрмисиз?*
- *Сизни қўлга олинадиган 3500 сўмлик бошланғич иш ҳақи қониқтирадими?*

СИЗНИ ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛАЖАК КУТАДИ

Ва яна ...

Танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар Тошкент тамаки фабрикаси ҳамда янги қурилаётган Самарқанд сигарет фабрикасига ишга таклиф қилинади.

Ишни бошлашдан олдин...

Компаниянинг ҳамма филиалларидан олишингиз мумкин бўлган анкетани тўлдиринг.

Тўлдирилган анкеталар ўрганиб бўлинганидан кейин номзодлар бир ой муддат ичида суҳбатга таклиф қилинади.

- Тошкент ш.,Носиров кўчаси,77. Тошкент тамаки фабрикаси.
- Самарқанд ш.,А. Рудакий кўчаси,150. Самарқанд тамаки-ферментация заводи.
- Ургут ш.,Навоий шоҳ кўчаси,10. Ургут тамаки-ферментация заводи.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

Яқинда мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси саъй-ҳаракати билан улуғ бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан бобурийзода Покиза Султон бегим билан учрашишга муваффақ бўлдик. Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

БОБОМИЗ ЁҚҚАН ЧИРОҚ ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЧМАЙДИ

Бобурийзода Покиза Султон бегим билан мулоқот

— Муҳтарама Покиза Султон бегим! Биз Ҳиндистонда ҳукмдорлик қилган темурийларнинг энг сўнгги вакили деб Баҳодиршоҳ Зафар II ни биламиз. Баҳодиршоҳ Зафар инглиз мустамлакачиларига асир тушиб, уч ўғли қатл этилгач, бу буюк сулоланинг давомчилари қолмаган, деб ҳисоблардик. Сиз бизга темурийлар сулоласига мансублигингизни ойдинлаштириб берсангиз?

— Авваламбор сизларни хонадонимда кўриб, суҳбатлашиб туришим менга катта қувонч бағишлаётганини айтиб ўтмоқчиман. Темурийлар, шубҳасиз, ўзбек ва ҳинд халқи маданиятига, умуман дунё цивилизациясига катта улуш қўшган буюк сулола. Сизларнинг ана шу сулоланинг бой тарихи ва меросини ҳар томонлама теран ўрганишга жаҳд этганларингиз ғоят савоб иш. Ўйлайманки, уларнинг пок руҳлари сизларнинг олижаноб мақсадларингизнинг рўёбга чиқишига мададкор бўлгай. Алҳамдулуллоҳ!

Мен ўзимнинг темурийлар сулоласига мансублигимни ойдинлаштириб бериш учун гапни Баҳодиршоҳ Зафар II дан бошлашим жоиз кўринади. Бу киши энг мураккаб даврда, Ҳиндистондаги буюк бобурийлар салтанати деярли ожиз бўлиб қолган, Ҳиндистон халқларининг ўзаро урушлари авж олган, инглиз мустамлакачилари бу ўлкани истило этиш даврига тўғри келади. 1857 йили инглизлар Деҳлини ишғол этишлари ҳамоно Баҳодиршоҳ Зафарни қўлга олиш пайида бўладилар. У кишини Мирзо Ҳумоюн мақбарасида асир олганларида тўрт ўғли ҳам отаси билан бирга эди. Улар орасида энг кичиги — 4-5 ёшли валиаҳд Мирзо Фатхулмулк бўлади. Мустамлакачиларнинг ёвуз ниятини фаҳмлаб етган энага уни ҳеч кимга билдирмай олиб қочиб кетади. Бошқа уч ўғлини эса истилочилар чавақлаб ташлайди. Подшоҳ ҳазратлари Рангунга сургун қилинади ва беш йил ўтиб, шу ерда вафот этади. Валиаҳд Мирзо Фатхулмулкни олиб қочган энага уни оқ ювиб оқ тарайди. У кишининг ўғиллари, яъни бизнинг бобомиз Мирзо Фарҳунда Жамолдир. У кишининг икки ўғли ва уч қизи бўлган. Онамиз Шаҳзода Замони Қамар Султон бегим 1903 йилда таваллуд топганлар. Отамиз Мирзо Наим Нақимбекнинг авлодлари ҳам бобурийлардан бўлиб, улар салтанатида беклик қилганлар.

— Темурийлар маданияти, урф-одатлари сизнинг хонадонигизда сақланиб қолганми?

— Темурийлар маданияти бобурийлар тимсолида Ҳиндистонда ўзига хослик касб этди, яъни бу маданият маҳаллий халқлар маданияти билан уйғунлашди. Буни ҳатто ҳинд файласуфлари, сиёсатчилари ҳам тан олишади. Ўзбек ва ҳинд халқларининг маънавий яқинлигида ана шу маданиятнинг таъсири бор, десам янглишмайман. Қарангки, бу маданият ҳали-ҳамон дунё халқлари эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Улуғ аждодларимиз томонидан Ҳиндистонга олиб келинган урф-одатларнинг аксарияти ҳануз ўз мазмун-мундарижасини йўқотган эмас. Бунга қатор мисоллар келтиришим мумкин. Ўзбекистонда бўлгани каби Ҳиндистонда ҳам она ва оилага жуда катта ҳурмат билан қаралади. Қариндош-уруғларнинг бир-биридан узоқлашиб кетишига, имкони борича йўл қўйилмайди. Турмуш тарзимизда ҳам ўхшашликлар сероб. Масалан, ҳинд халқлари тўйида қуёвни оқ отга миндириш урфга кирган. Кўчаларда эса кўплаб аёлларнинг сочини турмаклаб юришини кўргансиз. Бу ҳам бобурийлар давридан сақланиб қолган одат. Яна бизда бола туғилганда уни ўртага олиб, қўшиқ айтиш, рақс тушиш анъанаси мавжуд. Овқат тайёрлашда ҳам баъзи бир одатларга амал қиламиз. Бундан ташқари қариндош-уруғлар йиғилганда, фақат урду тилида гаплашамиз. Ўйлайманки, урду тилининг пайдо бўлиш тарихидан хабардорсизлар. Замона зайли билан бобурийлар авлоди тарқалиб кетди. Бугунги кунда қариндошларимизнинг кўпчилиги Покистонда яшашади. Англия ва Канадада ҳам бор. Шундай бўлгач, урф-одатларни сақлаш ҳам муаммога айланиб қолмоқда.

— Биласизки, темурийлар сулоласидан етишган ҳукмдорларнинг деярли ҳаммаси кўп вақтини сиёсатга, давлат ишларига сарфлашига қарамасдан, жисмоний тарбия баробарида маънавий жиҳатдан ҳам тўкис бўлишга катта эътибор беришган. Айни чоғда уларнинг қонида яратувчилик, илму маърифатга интилиш кучли бўлган.

— Қондан-қонга ўтувчи хусусиятлар ҳам сақланиб қолган. Темурийларга хос азму шижоат, нафосатга интилиш қариндош-уруғларимизнинг деярли ҳаммасининг қонида бор, десам янглишмайман. Биласиз, Бобур юғуриб келаётган икки отни қўлочини ёзиб, тўхтата олишдек кучга эга бўлган. Гўзал асарлар яратиш баробарида шиқорга чиқишни канда қилмаган. Ўғилу қизларининг маърифатли бўлишига катта аҳамият берган. Ана шу хусусиятларни онам раҳматлида кўриш мумкин эди. Онам раҳматли тез-тез овга чиқиб турарди, отда сайр қилишни хуш кўрарди, овчиликнинг ҳадисини олган ва ниҳоятда ўқимишли эди. Жуда кўп ҳинд-мусулмон болаларга таълим-тарбия берган. Онам раҳматлидан сабоқ олганларнинг аксарияти ҳали ҳам у кишини эслаб туради. Бундан ташқари у кишининг қувваи ҳофизалари бениҳоя кучли эди. Бизга бобурий подшоҳлар ҳаётидан турли-туман ривоятлар сўзлаб берардики, уларнинг кўпи ҳеч бир адабиётда акс этмаган. Адабиёт, умуман нафосатга интилиш бизнинг ҳам қонимизда бор. Менинг ўзим рассомлик қиламан. Бундан ташқари, Мирзо Фатхулмулк Баҳодир пурмаъно асарлар битган. Баҳодиршоҳ Зафар II нинг ҳам қўлидан қалам тушмаган.

— Муҳтарама Покиза Султон бегим! Сизнинг ҳазрат Амир Темур ватандошларига, яъниким ўзбек халқига қандай тилакларингиз бор?

— Мен авваламбор, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан бениҳоя ҳурсандман. Ўзбек халқининг улуғ бобокалонимиз Амир Темур васиятларига амал қилиб, бир буюк давлат қуришига, бу давлат номини халқлар аро машҳур этишига ишонаман.

Сизларга Яратган эгамиздан бахту саодат тилайман.

Суҳбатни Асқар ҲАЙДАР ва Анваржон МЕЛИБОЕВ ёзиб олди.

Деҳли.

Раҳмат Зиёй Ваҳит

Асад ДИЛМУРОД

МЕЗОН БУРЖИ

Ҳикоя

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Соҳибқирон ғаш... Омад юз ўгирмадими? Ишонган амири — Темур Қутлуғ арраланган терак янглиг жанг майдонида қулабдир. Алтун қиличи улуғ лашкарбошисидан айирди. Аламини ичига ютди, забардаст илки беихтиёр зулфиқори дастасига чўзилди.

Рости, мўлжалича, Алинжодан ҳам ичкарисида Лочин номли яна бир жанговар қалъаси бўлган Мордин хавфлироқ эди, шу боис аввал шуни тез чўктиришга аҳду паймон қилди. Важоҳати ҳар замонда гулдурак солиб ҳайқирадиган баҳор осмонини эслатарди, унинг наърасига жавоб қайтаролмаслигини англаган Малик Зоҳир жангни давом эттирмақдан кўра юқумакни афзал билди. Севинч қанотида Султониядан учиб келган хабар орадан нохушлик булути кўтарилишини тезлаштирди. Пешонасидан офтоб кулган Шоҳруҳ мирзо ўғил кўрибди. Қадами қутлуғ набира шукронаси Соҳибқирон кўксидаги музни эритди, у қатли омни бекор қилиб, Тақрийт ҳавосидан симиргани ошиқди. Анча ҳориган қўшинга сердарахт, атрофи очиқ далада ҳордиқ берди. Эрталаб, зўр иштиёқ билан ўтовдан чиқаркан, туйқус, маҳзун бир оҳ эшитилди, зарбидан, гўё, еру осмон титради, у бўшашиб, юраги пора-пора бўлса-да, чопарга сир бермай, қаддини адл тутди.

— Ўғлим Умаршайх омонатини топширдими?

— Ҳей, фалак!..

Шўрлик чопар, ажалига рози ҳолда, қоқ ерга беҳол йиқилди, Соҳибқирон ундан нигоҳини узиб, жимирлаётган беадад бўшлиққа тикилди, ногоҳ, аста тиз чўккиси, кўкрагига муштлаб, тўйиб-тўйиб бўзлагиси келди. Беихтиёр хаёлида Самарқанд миноралари, Конигил боғлари, маҳобатли Кўксарой... Сўнг, тилла нақшлар билан зийнатланган хобгоҳда ўзи билан талашиб-тортишган шайх гавдаланди. «Мезон... Эвоҳ, орада Мезон!» Шуурсиз алфозда шивирлади ва Диёрбакр йўлида курд мергани (ким билсин, балки, Алтун ёллаган) ўқига учиб, қонига беланган дилбандини тасаввур қилганча, ҳазин кишнаётган бедовини ҳамон тупроққа қоришиб ётган элчи ёнидан йўртириб ўтди. Ҳадемай Тақрийт кўнгиралари кўринди. Тақрийт ёлчитиб жанг қилмасдан чекинди, дарвозадан кафанга ўралиб чиққан Ҳасан ибн Бултумурни бир имоси билан тириклай деворга бостиришганда ҳам борлиғини куйдираётган ташналик босилмади.

Кўнглида ғалаён, шуурида чақин... Аста-аста ғазабини жиловлади, ажаб бир осудаликка чулғанди, фақат, ғоҳ елиб, ғоҳ йўғалаб бораётган оқ бедов устида ўй суриб, англадики, аввали охири йўқ ўлчамда, уқубат воҳаси зуҳур бўлади. Ушбу воҳа ҳам ҳудуд билмайди, ҳаёт ва мамот ўртасида саросар одамзот эрта-кеч унинг чегарасига талпинади. Сарсонлик — одамзот пешонасига битилган, асл нияти, ўладими, қоладими, бегона хилқатга етишмак, билмаски, кўп нарсага эришғани сари ўзидан тониб борадир, дил мулкидан адашадир. Кейин, вақти-соати етса, ўзини топар, ўз кўнглига ҳам етишар, э, дариғки, озор бергани — бегона зот дунёсига қайтиш насиб этармикин?!

Ажаб тарзда хитланиб, яна отини қичади, оти тезлаб, жимжит ялғунзорга оралади. Атрофда карч-карч чўққилар ҳукмрон, шишасимон бўшлиқда, дўмпайган барханлар узра тумшуқлари узун, пушти-қизил, қанотлари оппоқ қушлар парвоз қилишар, ҳар замонда маъюсона сайраб, бир-бирларига беозор суйканишарди. Қушлар хонишидан шоҳи жаҳон масрур бўлди, ҳали Алинжо жойида қилт этмай турганини ўйларкан, муюлишдан ўмрови кенг, сағриси ялтироқ, почалари ингичка қорабайир ўйноқлаб чиқди. Мунақаш эгарда дубулға-совут кийиб, тўғарак қалқон тутган, қийғир боқишли тим қора соқолли суворий қўйиб қўйгандек ўлтирар эди.

— Улуғ хон, қанча шошманг, борар ерингиз аён, — кутилмаганда сўз қотди йигит. — Яхшиси — муросаи мадора, замин кенг, шоҳни ҳам, гадони ҳам сиғдирадир.

— Ё тавба, — ёқа ушлади Соҳибқирон, —кимсенки, фақирга ақл ўргатурсен?

Кўринишидан саҳроий араб ёки форсий қабила бошлиғига ўхшаб кетадиган нотаниш ўғлон сувлиқ чайнаб, бўйсунишни истамай, нари-бери сапчилаётган бедови билан сирлашмоқчи бўлган каби қоматини унинг бўйнига ташлади, анчадан кейин товушини қўйиб ҳайқирди: «Эй, шаҳаншоҳ, фақир Алтунмен!» Йигит наъраси баҳайбат ғояларга урилиб, акс-садо бўлиб қайтди, Соҳибқирон эса пинак бузмади, ҳатто бир мўйи ҳам қимирламади.

— Шунақами? — деди бепарво қиёфада. — Атланг, ўзингни ўтга урибсан, бундан сенга не фойда?

— Фойдани номард излар, камина талаб аҳли адосимен.

— Тилагингни очиқроқ сўйла, йигит.

— Кўрқаманки, тилагим сизга оғир ботар, уни ижро этмакка ҳаддингиз етмас, — кулиб, қамчисини силкиб қўйди Алтун. — Айтинг, ушбу саноқсиз лашкар орасидан фақирга талабгор топилурми?

Нимадир Соҳибқирон ичида камон ипидек таранг тортилди. Бу бедодлик ақлга сиғмасди. Ахир, бу ўзи ким? Бор-йўғи бешўн дона тошдан тикланган қалъа хожаси! Қаранг-а, у кимсан етти иқлим сарварига ўз ҳукмини ўтказмоқ пайида! Шарти беҳад оғир: агар, полвони ундан енгилса, тамом, шу кунга қадар мағрур ҳилпираган яловини ҳору хас қилганча, бош эгиб, мулзам бўлиб, ортига ноумид қайтади, мабодо полвони зўр чиқса, у ҳолда, Алтун, бутун Алинжо этагини ўпади.

— Андоғ валломат топилурми? — яна сўради Алтун, сабрсизланиб.

Йўқ, у ажабланмади, буни тақдир тақозоси деб билди, сўнг, шундоқ яқинида ўтиб бўлмас девор ҳосил қилган аскарларини паришонҳол қузатди. Курраи арзни пойига поёндоз айлаган шулар эканини ўйлаб ғурурланди. Ҳозир бир имо қилса кифоя, ҳар бири Алтунга ўзини рўпара қилади. Қўшинида энг устивор куч — данғаллик... Енгил сўлиш олиб Соҳибқирон назарини ғанимига қаратди, «Бас!» — дея, зулфиқорини қинидан суғурди.

Борлиқ теран сукунатга ғарқ бўлган чоғда майдон икки чеккасидан икки чавандоз бир-бирига қараб от сурди. Майдон ўртасида бедовлар тўқнашди, қиличлар ҳам ўз қаҳрини ўтказиб қўйиш учун мовий бўшлиқда яшинвор шуъла сочди...

Кўёш тикка тепадан уфқ сари оғди, саваш эса адоғига етмади, юраклар шижоати ниҳонлигича қолди. Асов, саркаш тулпорлар ғазабли кишнашлари ила хожаларига қувват бағишларди, бу ҳол яна қанча давом этишини Соҳибқирон билмасди, у ҳоли-руҳини чамалаб кўрди, бир толиқиш туйди, аммо, буни тан олгиси келмади, кучини жамлаб, зарб урди. Қоплондек эпчил Алтун чап бериб улгурди, шиддат билан устма-уст қилич сермади. Ноилож Соҳибқирон бор-йўғини тулпори ихтиёрига ташлаб қўйди. Шу маҳал, ногоҳ, баландда сокин учиб юрган қушлардан бири қўйига шўнғиди, келиб, Соҳибқирон дулдули ёлига қўнди. Ҳаял ичида у эриди, кўп ўтмай пешонасида, тарам-тарам нурга қўмилган бўшлиқда дастаси қайириқ мўъжазгина ҳасса қўндаланг тушди. Аввал бўғиқ қарсиллаш эшитилди, кўрдики, қонсираган қилич қоқ белидан қарс синди, Алтуннинг ўзи бўзлаб, титраниб, юзтубан қулади.

Еру замин, осмону фалак гувлади, одатича, Соҳибқирон пинак бузмади, анча муддат қовоқ осиб тургач, барваста қоматини чаққонлик билан эгардан узди. Чўк тушиб, бошини солинтирган Алтундан ниманидир сўраш учун лаб жуфтлади, тили музлаб, нари жилди. Тун бўйи ухламади, оламга татигули қувонч негадир унга татимасди. Кўкси алланечук бўм-бўш эди.

(Давоми бор).

Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари

НАВОИЙ — НЕМИС ДИЁРИДА

Немисларнинг бир яхши хусусияти бор. Улар дунёнинг турли бурчакларидаги немис тили, маданияти, адабиёти ва санъатини ўрганаётган, тарғиб этаётган кишиларни ниҳоятда қадрлайдилар. Уларни ўз маблағлари ҳисобидан мамлакатларига чорлаб, ўқитадилар, шу тариқа улар билан янада яқиндан дўстлашишга ҳаракат қиладилар.

Мамлакатимизда Германия маданияти кунлари бўлиб ўтаётган шу кунларда биз ҳам ўзбек миллий меросининг Германияга етиб бориши тарихига қизиқишимиз табиий.

Халқимиз бой меросининг немис диёрига кириб борган намуналари ичида ҳазрат Алишер Навоий асарлари алоҳида ўрин тутади. Бобокалон шоиримиз ижоди маҳсулларининг немис тилига таржима қилиниши тарихи эса 400 йиллдан ошиқроқ даврни ўз ичига олади.

Гапни узоқроқдан бошлайдиган бўлсак, шуни айтиш керакки, XV-XVI асрларда Ғарб адабиётида Шарққа интилиш кучайди. Бу даврда Шарқ сўз санъатининг кўплаб дурдона асарлари Ғарб тилларига таржима қилинди. Натижада XVIII асрда Европа ўзи учун янги бир адабиёт оламини кашф этди.

Қадимдан немис халқи, адиблари мусулмон олами сўз санъатига, унинг буюк намояндалари ижодига катта қизиқиш билан қараганлар. Жумладан, буюк шоир — Йоҳан Вольфганг Гёте ўзининг машҳур «Ғарбу Шарқ девони»ни Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий шеърияти таъсирида яратди.

Немисларнинг форсий ва туркий мумтоз адабиётга қизиқиши тобора ортиб бораётибди. Кўплаб ўзбек шоир ва адиблари қаламига мансуб асарлар немис тилига таржима қилинятти.

Қувонарли тарафи шундаки, немис диёрига ўз асарлари билан кириб борган илк ўзбек шоири — Алишер Навоий.

«Ҳамса»нинг тўртинчи достони — «Сабъайи сайёр»даги бир воқеа 1557 йили Христофор Арманий томонидан итальян тилига таржима қилинган бўлса, орадан 26 йил ўтиб, яъни 1583 йили Йоҳанн Ветцель бу асарни итальянчадан немис тилига ўгирган.

XIX асрга келиб Венгрия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, туркшунос олим Ҳерман Вамбери (1832-1913) немис тилига Навоийнинг ғазал ва рубоийларидан намуналар, «Маҳбуб ул-қулуб» насрий асаридан парчалар таржима қилиб, 1867 йили Лейпциг шаҳрида чоп этган «Чиғатой тили дарслиги» китобида эълон қилди.

Йоҳанн Ветцель ва Ҳерман Вамбери таржималари мутаржимларнинг ўз қизиқишлари орқали амалга оширилган.

1946 йили немис адиби Альфред Курелла Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»и 17-бобини, 1968 йили Йоҳанн Варкентин шоир ҳикматли сўзларини, 1991 йили Дротеа Баклицкая «Муножот» асарини немисчалаштирди. Худди шу йили немис шоираси Нора Пферрер билан ўзбек мутаржими Йўлдош Парда ўзаро ҳамкорликда Навоий ғазалларидан 21 тасини немис тилига ўгирдилар.

Йўлдош Парда ғазалларнинг сатрма-сатр немисчалаштирилган тагламасини тайёрлади. Нора Пферрер ана шу таглама асосида шеърий таржима яратди. Шу тариқа Навоий асарларини немисчалаштириш ҳам, бошқа соҳалардаги каби, таржима борасидаги ўзбек-немис ўзаро ҳамкорлиги бошланди. Бу эса немис халқига аслият руҳи, ғоясию мазмуни, шаклу шамойилининг тўла етиб боришига катта имкон яратди. Айниқса, бундай ижодий ҳамкорлик этник жиҳатдан бир-биридан тамоман фарқланувчи икки халқнинг ўзига хос анъана ва маросимларини, урф-одатларини, турмуш тарзини бир-бирининг тилига тўғри ва аниқ кўчиришда муҳим аҳамият касб этади.

Умид қиламизки, Ўзбекистонда немис маданияти кунлари бу халқ адабиётининг ўзбек ва сўз санъатимизнинг немис тилига таржима қилиниши жараёнига ҳам ижобий таъсир этади. Таржима азал-азалдан халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи кўприк ҳисобланади.

Акмалхон АБДУЛЛАЖОНОВ, Наманган давлат университети катта ўқитувчиси.

ТАНИШИНГ: ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ

МИРУМАР АСАДОВ: АСРИЙ ОБИДАЛАР ЖИЛОСИ



Ҳар бир эзгу иш савобга йўғрилган бўлади. Шундай одамлар борки, қанча савоб ишга қўл урмасин, бу унга камдай кўринаверади. Инсонларга кўпроқ фойдам тегса, деган ниятда меҳнат қилади. Мўъжаз лавҳамиз қаҳрамони Мирумар Асадов ана шундай инсонлар тоифасига киради. У умрининг қирқ йилини тарихий-меъморий обидаларни таъмирлашдек хайрли ишга сарфлади.

Халқ усталарининг санъати — эзгуликнинг, яратувчиликнинг олий кўринишидир. Улар бажараётган ҳар бир иш гўзаллик, маҳорат ва нафосат омихтасидир. Мирумар Асадовга ўхшаш амалий санъатнинг сиру сиёатларини эгаллаб, уни халқимизга намойиш қилаётган усталар Самарқандда кўплаб топилади. Лекин бу ишни бутун сулоласи бўлиб давом эттириш осонмас. Асадовлар сулоласи тарихий обидаларга қайта жон бағишлашдек хайрли ишнинг бошини тутган. Регистон, Гўри Амир, Бибихоним... бугун уларнинг чирой очиб, бутун кўрк-тароватини оламга кўз-кўз қилиб туришида Мирумар аканинг, ака-укалари ва фарзандларининг ҳам улуши бор.

Мамлакатимизнинг бир гуруҳ фуқароларини «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан мукофотлаш тўғрисидаги Президентимиз Фармонида Мирумар ака Асадовнинг ҳам номи борлиги халқимизнинг азалий ҳунармандлик анъаналарини давом эттириб келаётган халқ усталарига ҳукуматимиз катта эътибор билан қараётганидан далолат беради. Ушбу олий мукофот халқ усталари меҳнатининг қадр топаётгани, тарихий меросимизга ҳурмат назари билан қараалаётганининг исботидир.

Суратда: ака-ука Мирусмон, Мирумар, Мирсаид Асадовлар.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

АМЕРИКАЛИК ЖУРНАЛХОНЛАРГА ТАНИШТИРИЛДИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али кўп йилларидан бери АҚШнинг Сиэтл шаҳридаги Вашингтон университети таклифи билан шу юртда бўлиб, талабаларга қадимги миллий маданиятимиз, анъаналаримиз ва ҳозирги замон турмуш тарзимиз ҳақида маърузалар ўқимоқда.

Шу йил Америкада чиқадиган «Central Azia monitor» («Марказий Осиё кўзгуси») журналининг 6-сонида ёзувчининг «Амир Темур ҳақида сўз» мақоласи босилди. Унда соҳибқиронинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида атрофлича ҳикоя қилинган. Деярли биринчи марта америкалик журналхонларга бобокалонимизнинг шахси ва маънавий дунёси ҳақида янги маълумотлар келтирилган.

Халил СУЛТОНОВ.

Шоҳмот шарҳи

ШАТРАНЖ ОЛАМИ ИСЛОҲОТЛАР БЎСАҒАСИДА

Сентябрнинг охирги кунлари ва октябрнинг дастлабки ҳафтасида бутун жаҳон шоҳмотсеварлари қаторида ҳамюртларимизнинг ҳам диққати Ереванга қаратилди, десак муболаға бўлмайди. Чунки бу ерда ўтказилган XXXII бутунжаҳон шоҳмот Олимпиадаси нафақат навбатдаги чемпион жамоани аниқлаши, балки ФИДЕ президенти ким бўлади, Карпов ва Каспаров ўртасида жаҳон тожи учун беллашув уюштириладими, жаҳон шоҳмотидаги икки оқимчиликка барҳам бериладими каби бир қатор саволларга ойдинлик киритиши керак эди.

Юртимиз шоҳмотсеварларини эса 1992 йилги Олимпиадада «кумуш» медални қўлга киритган вакилларимизнинг бу safар қандай қатнашиши янада қаяжонга солиб турди. Маълумки, шоҳмотчиларимиз 1994 йилги Москва Олимпиадасида 19-24-ўринларни эгаллаган жамоалар қаторидан ўрин олишганди. Айтиш жоизки, бу safар вакилларимиз муваффақиятлироқ қатнашишди. Шоҳмотчиларимиз Таиланд ва Чили терма жамоаларини 3,5:0,5, Польша, Индонезия ва Югославия терма жамоаларини 3:1, АҚШ, Венгрия ва Филиппин терма жамоаларини 2,5:1,5 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Вакилларимиз Исроил ва Эстония терма жамоалари билан дуранг (2:2) ўйнаб, Испания (1,5:2,5), Болгария (1:3), Украина (1:3) ва Грузия (1:3) шоҳмотчиларига имкониятни бой беришди ва 128 терма жамоа қатнашган 32-бутунжаҳон шоҳмот Олимпиадасида 32 очко жамғарган ҳолда 16-20-ўринларни эгаллаган жамоалар қаторидан жой олишди. Айниқса, учинчи тахтада ўйнаган ҳамюртимиз Сайдали Йўлдошевнинг натижалари юқори бўлганлиги бизни қувонтиради. У 14 имкониятдан 11 очко жамғариб, учинчи тахта бўйича Олимпиаданинг кичик «олтин» медали билан тақдирланди ҳамда халқаро гроссмейстерлик талабларини бажарди. Демакки, Ўзбекистон гроссмейстерлари safи яна бир нафарга кўпайди. Ҳамюртларимизнинг Олимпиаданинг кучли терма жамоаларидан бири — АҚШ шоҳмотчиларини мағлубиятга учратганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу учрашувда Сайдали Йўлдошев атоқли халқаро гроссмейстер Фиррримиз аввалги Олимпиадага нисбатан яхши натижа кўрсатишди. Терма жамоамиз 42 имкониятдан 24 очко тўплаб, 85 жамоа ўртасида 22-ўринни эгаллади. Тошкентлик Надежда Репрун Сайдали Йўлдошев каби учинчи тахтада ўйнаб, Олимпиаданинг кичик «бронза» медалини қўлга киритди. Шунингдек, у ФИДЕ спорт устаси талабини бажарди.

- *Сайдали Йўлдошев халқаро гроссмейстер талабини бажарди.*
- *Кирсан Илюмжинов ўз ўрнида қолди.*
- *Карпов ва Каспаров битимга келишишди.*
- *Навбатдаги Олимпиада қаерда ўтказилади?*

Дунё шоҳмотсеварлари диққат марказида турган Халқаро шоҳмот федерациясининг (ФИДЕ) 67-конгрессида ҳам бир қатор муҳим масалалар кўрилди. Конгрессдан олдин жаҳон оммавий ахборот воситалари Кирсан Илюмжинов ФИДЕ президентлиги лавозимида қоладими, йўқми деган баҳсни авж олдириб юборди. Зеро, ФИДЕ президентлигига номзод ҳисобланган франциялик Башар Куатлининг ҳам имкониятлари Қалмиғистон Республикаси президентиникидан кам эмаси эди. Чунки, ФИДЕ вице-президенти Башар Куатли номзодини Европа федерациялари аъзолари қўллаб-қувватлаши кутилаётганди. Ўз навбатида олдиндан қилинган башоратларга кўра ФИДЕ президентлигига учинчи номзод ҳисобланган бразилиялик Суние-Нетога овоз берувчилар safи ҳам юқоридаги икки номзодникидан кам эмасди. Унинг номзодини ФИДЕнинг собиқ президенти Флоренсо Кампоманес ва унинг тарафдорларидан ташқари, Жанубий Америка, Африка ҳамда Осиё шоҳмот федерациялари аъзолари ҳам қўллаб-қувватлаши кутилаётганди. Жаҳон шоҳмот жамоатчилиги эътиборини Суние-Нето агар ФИДЕ президенти бўлиб сайлангудек бўлса биринчи навбатда ўзи учун 100 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган маош белгилаши ҳақидаги сўзлари билан бирдан ўзига ром этди. Зеро, Кирсан Илюмжинов жаҳон шоҳмот раҳбарлигига келгандан буён ва жорий йил давомида ФИДЕ хазинасидан ўзи учун бир цент ҳам сарфламаган бир пайтда Суние-Нетонинг бу баёноти ҳеч бир кишининг диққатини тортмай қолмасди. Ҳулласа, конгресс олдидан Башар Куатли ўзининг бой бизнесменлиги, Кирсан Илюмжинов эса Карпов — Каспаров учрашувини уюштириш истагидан қайтмаганлиги ва ФИДЕ тизимида, тож учун баҳс мусобақаларини ўтказиш тартибида бир қатор ислоҳотлар қилиш зарурлиги ғояси собит турганлиги, Суние-Нето эса ФИДЕ ишини олиб боришда тажрибаси катталиги билан жаҳон шоҳмот жамоатчилиги эътиборида турди. Сайлов жараёни қаттиқ назорат қилинди. Натижалар эса Кирсан Илюмжиновнинг ўз постида қолганлигини кўрсатди.

— Ўтган йили Парижда ўтказилган конгрессда мен Карпов — Каспаров ўртасида учрашувни уюштиришни ваъда қилган эдим, — деди 67-конгрессдан олдин ўтказилган матбуот конференциясида Кирсан Илюмжинов. — Шу йил 23 августда Қалмиғистоннинг Москвадаги ҳукумат биносида икки гроссмейстерни учраштиришга муваффақ бўлдик. Юзма-юз суҳбат уч ярим соат давом этди. Унда нимага келишилди, буни айтолмайман, чунки уларга сўз берганман. Муҳими, биз икки гроссмейстерни учраштирдик ва уларнинг тил топишишидан умид қиламиз.

67-конгрессдан сўнг маълум бўлдики, профессионал шоҳмот ассоциацияси (ПША) таснифи бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ва ФИДЕ таснифи бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ниҳоят битимга келишишди. Келгуси йилда уларнинг ўзаро куч синашиши кутилаяпти.

Шунингдек, конгрессда 1998 йилги жаҳон шоҳмот Олимпиадаси Элиста шаҳрида, 2000 йилги Олимпиада Истамбул шаҳрида ўтказилиши келишиб олинди.

— Халқаро андозадаги аэропорт, шоҳмот саройи, қатнашчилар яшайдиган уйлар ва бошқа иншоотлар қурилиши Қалмиғистон Республикасининг миллий-иқтисодий тараққиёт режасидан ўрин олган, — деди республика президенти Кирсан Илюмжинов. — Биз бу қурилишларни ўз вақтида якунлаймиз, Олимпиада юқори савияда уюштирилади. Жаҳон тожи учун курашни янги тартибда ўтказиш масаласига келсак, мен ҳали ҳам уни 100 нафар гроссмейстер иштирокида, Олимпиада тартибида ўтказиш ғоясида собит турибман. Чунки у кенг масштабда, кўп сонли шоҳмотчилар иштирокида ўтиши билан аҳамиятлики, бу дунё шоҳмот оқимларини бирлаштиришга, жипслаштиришга хизмат қилади. Анъанавий тизим эса анча эскирди ва у замон талаби даражасида эмас. Янгича тизимдаги чемпионатдан ФИДЕ фақат ютади.

Ҳа, жаҳон шоҳмот олами катта ўзгаришлар арафасида турибди. Биз у ҳақда келгусида ҳам мунтазам мақола ва шарҳлар бериб боришни режалаштирганмиз.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи»нинг спорт шарҳловчиси.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28. Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев. Навбатчи — Ғ. Шермуҳаммад. Катта корректор — Ш. Режапов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0580 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6